

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит
Бакалавриатура таълим йўналиши бўйича

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ: Пахта тозалаш корхоналарининг банкдаги ҳисоблари бўйича муомалалари ҳисоби ва уларнинг аудити

Талаба: Омонов Сухроб

Факултет: АБМ

Гуруҳ: 14-12

Маслаҳатчилар:

1. Кириш Олимов А.А.

(БМИ таркибий қисми, консул`тантнинг ФИШ, сана ва имзо)

2.I-боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ПТКнинг банкдаги ҳисоблар бўйича муомалалар ҳисоби ҳамда аудитнинг назарий асослари.

(БМИ таркибий қисми, консул`тантнинг ФИШ, сана ва имзо)

3.II-боб. “Зирабулоқ” пахта тозалаш корхонаси АЖда банкдаги ҳисоблари бўйича муомалалари ҳисоби

(БМИ таркибий қисми, консул`тантнинг ФИШ, сана ва имзо)

4.III-боб. “Зирабулоқ” пахта тозалаш корхонаси АЖда банкдаги пул маблағлари ички назорати ва аудити .

(БМИ таркибий қисми, консул`тантнинг ФИШ, сана ва имзо)

5.IV-боб Екологик қисм

(БМИ таркибий қисми, консул`тантнинг ФИШ, сана ва имзо)

Илмий раҳбар: проф. Хошимов А.А

Кафедра мудири: доц. Рахмонов Д.А. _____

Тошкент -2016 йил

ТОШКЕНТ ТЎКИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

Кафедра

Корпоратив бошқарув

«Тасдиқлайман»

Декан _____

« 2 » декабр 2015 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА ТОПШИРИҚ

Талаба: Омонов Сухроб

Таълим йўналиши: Бухгалтерия ҳисоби ва аудит

Факултет: Автоматлаштириш, бошқарув ва матбаа

Битирув малакавий иши мавзуси: Пахта тозалаш корхоналарининг
банкдаги ҳисоблари бўйича муомалалари ҳисоби ва уларнинг аудити.
“Зирабулок” ПТК Самарқанд вилояти

Топшириқ:

кафедра _____

(кафедра, корхона, ИТИ, ДНПИ ташаббуси билан)

Раҳбар: проф. Хошимов А.А.
(лавозими, унвони, Ф.И.Ш)

1. Битирув малакавий ишининг қисқача мазмуни: Пахта тозалаш
корхоналарининг хўжалик фаолиятида банкдаги ҳисоблар бўйича
муомалалари ҳисоби ва уларнинг аудитини назарий жиҳатдан кенг ёритиш,
амалий жиҳатдан ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби
қоидалари асосида юритилишини ўрганишдан иборат.

2. Битирув малакавий ишининг таркибий қисмлари.

2.1. Асосий қисм (технологик, конструкторлик, тадқиқот ва бошқа)

I боб Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ПТКнинг банкдаги
ҳисоблар бўйича муомалалар ҳисоби ҳамда аудитнинг назарий асослари.

II боб. “Зирабулок” пахта тозалаш корхонаси АЖда банкдаги ҳисоблари
бўйича муомалалари ҳисоби

III боб. “Зирабулоқ” пахта тозалаш корхонаси АЖда банкдаги пул
маблағлари ички назорати ва аудити

Маслаҳатчи: Олимов А.А.

2.2. Қўшимча қисмлар маслаҳатчиси: Экологик қисм. Пахта тозалаш
корхоналарида экологик хавфсизликни олдини олиш чора-тадбирлари

2.3. Ҳисоб-тушунтириш матни таркиби ва қисқа мазмуни

**2.4. Битирув малакавий иши график қисмининг таркиби ва қисқача
мазмуни:** “Зирабулоқ” пахта тозалаш АЖнинг техник иқтисодий
кўрсаткичлари тавсифи

“Зирабулоқ” пахта тозалаш АЖнинг банкдаги ҳисоблари бўйича амалга
оширилган хўжалик муомалалари

“Зирабулоқ” пахта тозалаш АЖнинг инвестиция молиявий ва солиққа
тортиш фаолиятларидаги пул маблағлари ҳаракатининг таҳлили

Битирув макакавий иши ҳимояси: 17.05.2016

Топширишқ берилган сана: 12.12.2015

Кафедра мудири _____ и.ф.н. дотс. Рахмонов
Д.А.

(имзо) (ФИШ)

Рахбар _____ проф. Хошимов А.А.

(имзо) (ФИШ)

Бажарувчи _____ Омонов Сухроб

(имзо) (ФИШ)

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I-боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пахта тозалаш корхоналарининг банкдаги ҳисоблар бўйича муомалалар ҳисоби ҳамда аудитининг назарий асослари	
1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пахта тозалаш корхоналари пул маблағларининг моҳияти, асосий вазифалари ва корхона иқтисодиётида тутган ўрни.....	6
1.2. Пахта тозалаш корхоналари банкдаги ҳисоблари бўйича муомалалар ҳисоби ва аудитини мақсади, вазифалари ва меъёрий-ҳуқуқий асослари.....	12
1.3. «Зирабулоқ» пахта тозалаш корхонаси АЖнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари тавсифи.....	18
II-боб. «Зирабулоқ» пахта тозалаш корхонаси АЖда банкдаги ҳисоблари бўйича муомалалари ҳисоби	
2.1. Пахта тозалаш корхоналарини банкдаги ҳисоблари бўйича пул маблағларини ҳужжатлаштириш.....	20
2.2. Пахта тозалаш корхоналари банкдаги ҳисоблар бўйича муомалаларни аналитик ва синтетик ҳисобини юритиш.....	30
III-боб. «Зирабулоқ» пахта тозалаш корхонаси АЖнинг банкдаги пул маблағлари ички назорати ва аудити	
3.1. Пахта тозалаш корхоналари банкдаги пул маблағларини ички назоратини моҳияти ва уни ташкил этиш.....	35
3.2. Пахта тозалаш корхоналарида банкдаги ҳисоблари бўйича муомалалари ҳисобини аудиторлик текширувидан ўтказиш.....	39
IV-боб. Экологик қисм	
Пахта тозалаш корхоналарида экологик хавфсизликни олдини олиш чора-тадбирлари.....	50
Хулоса.....	53
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	55
Иловалар.....	58

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини модернизациялаш ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш натижасида, йилдан-йилга салмоқли натижалар қўлга киритилиб, барқарор иқтисодий ўсиш йўналиши мустаҳкамланиб бормоқда.

Иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг банкдаги ҳисоби муомалалари ва ҳисоб-китобларини тартибга солишни, банк тизимини ислоҳ қилиш ва ундаги пул маблағларини тўғри юритишда жаҳон андозаларига мос келувчи икки бўғинли замонавий банк тизимини босқичма-босқич яратишга асосий эътибор қаратилди.

Шу ўринда 2016 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга ошириш иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг қўламини кенгайтириш, ишлаб-чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиш даркор.

Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган 2015-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётни барқарорлаштириш, пахта саноатини изчил ва мутаносиб ривожлантириш ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги таъминланди¹.

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ҳисобини халқаро миқёсда қабул қилинган андозалар даражасида булишини тақозо қилади. Хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ҳисобини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2015-йилнинг асосий якунлари ва 2016-йилда Ўзбекистонни ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамадан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришди” маърузаси. “Халқ сўзи” 2016 йил 16 январ.

тўғри ва аниқ ташкил қилиниши ҳамда уни такомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидан бири ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Ишнинг асосий мақсади – пахта тозалаш корхоналарини банкдаги ҳисоблар бўйича муомалалар ҳисобини тўғри ва ўз вақтида олиб бориш уларни ривожлантириш истиқболларига оид илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари. Битирув малакавий ишининг олдига қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- пахта тозалаш корхоналари пул маблағларининг моҳияти, асосий вазифалари ва корхона иқтисодиётида тутган ўрнини ўрганиш;
- пахта тозалаш корхоналари банкдаги ҳисоблар бўйича муомалалар ҳисоби ва аудитини ташкил этишнинг назарий асосларини ўрганиш;
- банкдаги пул маблағлари ҳисоби ва унинг таркибий тузилмаларини вазифаларини ҳамда хусусиятларини тадқиқ этиш;
- банкдаги ҳисоблар бўйича муомалалар ҳисобини моҳияти, тамойиллари ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил этиш;
- корхона ва банклардаги ҳисоб-китобларни моҳиятини очиқ бериш ва уларни янгича усулларини ишлаб чиқиш;
- пахта тозалаш корхонасида банкдаги ҳисоблар бўйича муомалаларни ҳужжатлаштириш ва ҳисобини юритиш билан танишиш;
- пахта тозалаш корхонаси банкдаги ҳисоблар бўйича муомалалар аудитини ташкил этиш

Битирув малакавий ишнинг объекти: “Зирабулоқ пахта тозалаш заводи” АЖнинг молиявий ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг предмети: “Зирабулоқ пахта тозалаш заводи” АЖнинг банкдаги ҳисоблар бўйича муомалалар ҳисоби ва аудитини ташкил қилиш тизимида оид фаолият ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, унда ишлаб чиқилган алоҳида таклиф ва тавсиялар банк хизматлари ҳамда пахта тозалаш заводларини пул маблағлари билан таъминлаш унинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиш асосида ташкил этилган ҳамда самарали бошқариш йўллари аниқлаш имконини беради.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузулиши. Битирув малакавий ишининг тузилмаси кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**I-боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида банкдаги
ҳисоблар буйича муомалалар ҳисоби ҳамда аудитининг назарий
асослари.**

**1.1 Иқтисодийни модернизациялаш шароитида пахта тозалаш
корхоналари пул маблағларининг моҳияти, асосий вазифалари ва
корхона иқтисодиётида тутган ўрни**

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар аниқ режалар асосида амалга ошириб келинмоқда. Республикамиз корхоналарида ҳисоб ва ҳисобот ишларини халқаро стандартларга мослаштириш бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан бухгалтерия ҳисоботини тузиш услубиёти ва ҳисобот шаклларида бир қанча ўзгаришлар рўй берди. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни янги таҳрирда ишлаб чиқилиб тадбиқ қилинди.²

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида нақд пулсиз ҳисоб китоблардан самарали фойдаланиш корхоналар иқтисодиётининг барқарор ривожланишининг таъминловчи асосий омилларидан биридир. Чунки корхоналар фаолиятининг узлуксиз давом этишини таъминлаш учун зарур ишлаб чиқариш захиралари ва меҳнат воситалари сотиб олиш, давлат бюджетидан ташқари фондлар учун тўловларни амалга ошириш учун маълум миқдорда нақд пулсиз ҳисоб китоблар талаб қилинади.

Шунинг учун ҳам корхоналар мавжуд пул маблағларини юқорида кўрсатилган мақсадларга сарфлашда иқтисодий жиҳатдан манфаатли ва тежамли бўлган ҳамда корхонага ўз маблағларидан рационал фойдаланиш имконини беришни биринчи навбатда ҳисобга олиш зарур. Юқоридаги фикр ва мулоҳазалар ушбу мавзунинг долзарблигини белгилаб беради ва бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг пул маблағлари ва уларнинг харажати тўғрисидаги бошқарув аппарати учун зарур маълумотларни бухгалтерия шакллантириш масалаларини ўргатади.

² Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни (янги таҳрирда). –Т.: 2016 йил 13-апрель.

Пахта тозалаш корхоналари хўжалик фаолиятида уларнинг активлари ичида пул маблағлари муҳим ўрин эгаллайди.

Пул маблағлари, бу тез ликвидлик характериға эға булган, барча муносабатда умумий эквивалент ролини ўйнайдиган, давлат томонидан чиқарилган махсус товар ҳисобланади.³

Бунга қушимча қилиб, пул маблағлари - бу корхонанинг асосий тўлов воситаларидан бири ҳисобланади. Корхоналарнинг пул маблағлари асосан ҳисоб-китоб счётида, кассада, валюта счётида ва махсус счётларда сақланади. Пул маблағлари ҳисоби касса китоби, касса крим-чиқим ордерлари, ҳисоб-китоб счётидан кўчирмалар ва бошқа ҳужжатлар ёрдамида юритилади

Пул маблағларининг қайси манбалардан ташкил топиши ва уларнинг сарфланишини асосий аҳамияти эса "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикасининг қонуни асосида ишлаб чиқилган ва бухгалтерия ҳисобининг Миллий андозаларининг 9-сон "Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот"ида аниқ кўрсатилиб ўтилган бўлиб, у Ўзбекистон Молия Вазирлиги 1998 йил 16 октябрда тасдиқланган ва Ўзбекистон Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 4 октябрда рўйхатга олинган.

Бухгалтерия ҳисобида пул маблағларини, асосан иккита белгисига қараб, яъни кўриниши ва турган жойига қараб гурухлаш ҳамда акс эттириш қабул қилинган.

Пул маблағлари куринишига кўра 2 гурухга булинади:

1. Миллий валютадаги пул маблағлари
2. Чет эл валютасидаги пул маблағлари

Пул маблағлари турган жойига қараб қуйидагича гурухланади

1. Кассадаги пул маблағлари
2. Банк счётидаги пул маблағлари
3. Йулдаги пул маблағлари

³ Хашимов А.А., Мажидов А.А. Пахта тозалаш корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма Т.: Шарқ, 2013 й., 231 б.

Пул маблағлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари қуйдагилардан иборат:

- пул маблағлари ҳолати ва ҳаракати устидан доимий назоратни олиб бориш;
- пул маблағларини кассадан ўз вақтида банкка топширишни назорат қилиш;
- пул маблағларини ўз вақтида, тўғри тегишли ҳужжатларда расмийлаштириш;

Пул маблағларининг сақланиши ва уларнинг тўғри фойдаланиш жавобгарлиги корхона раҳбари ва бухгалтерига юклатилади. Улар касса ва банк муаммолари коидаларига риоя қилиши ва уларни белгиланган қатъий тартибда тўғри расмийлаштиришлари зарур. Ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз бўлганлиги учун корхона маблағлари бир вақтнинг ўзида айланишнинг барча босқичида бўлиши мумкин, бунда пул маблағлари корхона иқтисодиётида алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичлари таъминотчи ишлаб чиқариш ва сотиш босқичларида пул маблағлари у ёки бу миқдорда сарфланади. Шунинг учун ҳам корхонада доимо маълум миқдорда пул маблағларини бўлиши тақозо этади.

Маълумки, иқтисодиётни ривожланишинг барча босқичларида нақд пулсиз ҳисоб китоблар алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва уларни ҳисобга олиш тартиби уша даврдаги иқтисодиётнинг ривожланиши даражасидан келиб чиққан. Чунки ҳар қандай босқичда иқтисодиётнинг ривожланиши у ёки бу моделига амал қилган ва унинг ажралмас қисми сифатида эса бухгалтерия ҳисоби иштирок этган. Тараққиётнинг юқори поғонасига кўтарилиш эса ҳар доим иқтисодиёт фанларининг, чунончи бухгалтерия ҳисобининг ривожланиши ҳам белгилаб берган ва улар ҳам таъсир этган. Бозор муносабатларининг шаклланиши ва унинг чуқурлашуви нақд пулсиз ҳисоб китоблар ҳисобининг услубий асослари ва уларнинг ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг сифат жиҳатидан ўзгаришини талаб қилмоқда. Шунинг

учун ҳам нақд пулсиз ҳисоб китобларнинг ҳисобини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларни тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қилди.

Шу асосда Республикамизда нақд пулсиз ҳисоб китоблар ҳисобини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатлар охириги йилларда бозор иқтисодиёти талабларидан келаб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди.

Асосий эътибор ташки фойдаланувчиларни кизиктирадиган кўрсаткичларни ишлаб чиқишга қаратилди ва бу борада анча муваффақиятларга ҳам эришилди.

Корхона амалга оширадиган ҳар қандай фаолият тури пул маблағларини талаб қилади. Корхона пул маблағлари асосида маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан, шунингдек қимматбаҳо қоғозларни ва мол мулкни сотишдан келиб тушади. Янги ташкил бўлаётган корхоналарга эса тасвирчилар устав капиталини шакллантириш учун банкдаги ҳисоблаш счеҗига нақд пул топшириши ёки ўтказиб бериш (юрйдик шахслар) мумкин.

Корхона ўзига тегишли бўлган пул маблағларини ўзининг асосий ва кўшимча фаолиятни ривожлантириш, товар-моддий қийматликларини сотиб олиш, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўлаш, капитал қўйилмаларни (ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектларни қуриш, автомобиллар, тракторлар ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш, кўп йиллик мевали ва манзарали дарахтларни ўтказиш ва ўстириш, шунингдек асосий подани ташкил қилиш) узлаштириш ва давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларга ва бошқа юрйдик ва жисмоний шахсларга кўрсатган хизматлари учун хўжалик субъектларининг фаолиятини тартибга солувчи қону-ниятлар ва меъерий ҳужжатларда қилинмаган мақсадларга сарфлаш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг молиявий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг тўлов қобилиятига боғлиқдир.

Маълумки, тўлов қобилиятининг мазмуни энг аввало буш пул маблағларининг мавжудлиги билан характерланади. Чунки пул маблағлари энг юқори ликвидликка эга бўлган активлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам корхоналарда мавжуд бўлган буш пул маблағларидан самарали фойдаланиш

учун уларни оборотга киритиш алоҳида аҳамиятга эга. Умуман, корхоналарнинг пул маблағларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Пул қиймат ўлчови бўлиб - бу товарнинг маълум қийматидаги пул суммасига тенглигини кўрсатади ва товар қийматининг миқдори ҳисобланади. Пулда ифодаланган товар қийматининг баҳоси ҳисобланади. Қиймат ўлчови вазифаси асосан баҳо орқали амалга оширилади. Унинг ёрдами билан корхона ишлаб чиққан товарнинг қиймати бозор ёки прејскурант (шартнома) баҳоси учун асос бўлади ва мамлакатнинг миллий валютасида ва унинг бошқа мамлакатлар валюталарига тенглаштирилган ҳолда акс эттирилади.

2. Корхоналарнинг пул маблағлари муомала жараёнида ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган ресурсларни сотиб олиш ва кўрсатилган хизмат ва бажарилган иш хажмлари учун тўлов воситаси ҳисобланади. Пулга корхона ҳамма зарур ресурсларни сотиб олиш ва барча тўловларни амалга ошириши мумкин. У хўжалик субъектлари ўртасидаги барча ҳисоб-китобларни амалга оширувчи универсал ўлчовдир.

Корхоналарнинг банкдаги ҳисоблашиш счёти ва валюта счётларида сақланаётган пул маблағлари мамлакатимиз иқтисодиётининг пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Чунки улар банкларни актив операцияларини жонлантирилишини таъминлайди, миллий ва чет эл валюталарининг ишлаб чиқариш жараёнидаги айланишини таъминлайди ва у бунда бирданига иккита муҳим вазифани бажаради. Биринчидан, корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш йўли билан пулнинг айланишини таъминлайди ва миллий валюта ҳисобига яратилаётган ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий даромадни ўсишини таъминлайди. Иккинчидан эса, корхонанинг ҳисоблашиш ва валюта счётлари пул маблағларини ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилганлиги учун банк ўз миждозларига ҳам маълум миқдорда ҳақ тўлайди.

Шундай қилиб, пулнинг биринчи вазифаси мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилса, иккинчи вазифаси эса корхоналарга маълум миқдорда даромад келтиради.

Пул маблағларининг корхона иқтисодиётида тутган ўрни унинг асосий вазифаларини бажариш учун бухгалтерия ҳисоби бошқарув аппаратини тегишли маълумотлар тўплами билан таъминланиши зарур. Бунинг учун эса пул маблағлари ҳисобининг олдида қуйидаги асосий вазифалар туради:

- корхонанинг пул маблағларини самарали бошқариш учун зарур маълумотлар иблан таъминлаш;
- тўлов ва ҳисоб-китобларни пул муомалаларини тартибга солувчи меъерий ҳужжатларда кўрсатилган тартибларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида амалга ошириш;
- ҳисоб регистрларида пул маблағларини нақдлиги ва ҳаракатларини ўз вақтида акс эттириш, чунки пул маблағларининг ҳаракати корхонанинг фаоллик даражасининг асосий кўрсаткичларидан биридир.
- пул маблағларининг белгиланган мақсадларга сарфланиши, смета ва лимитларга амал қилишини назорат қилиш;
- пул маблағларининг инвентаризациясини белгиланган муддатларда ўтказишини таъминлаш ва узаро ҳисоб-китоблар, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини тўланишини назорат қилиш;
- кассадаги, ҳисоблашиш, валюта ва банкдаги бошқа счетларда сақланаётган пул маблағларининг сақланишининг назоратини таъминлаш;

Ушбу масалаларнинг муваффақиятли бажарилиши корхонанинг пул маблағларидан самарали фойдаланишни таъминловчи бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини яратади. Албатта, юқоридаги вазифаларни бажариш учун пул маблағларининг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш зарур бўлади. Бунинг учун эса корхоналарда мавжуд маблағларни туркумлаш алоҳида аҳамиятга эгадир.⁴

⁴ Очиллов И.К. ва бошқ. Молиявий ҳисоб. – Т.: ТМИ (ўқув қўлланма) 2003.-256 б.

1.2 Пахта тозалаш корхоналари банкдаги ҳисоблар бўйича муомалалар ҳисоби ва аудитини мақсади вазифалари ва меъёрий- ҳуқуқий асослари

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ҳисобини халқаро миқёсда қабул қилинган андозалар даражасида бўлишини тақазо этади. Ҳозирда ҳисоб-китоблар икки шаклда: нақд пулсиз ўтказишлар йули билан ва нақд пулли тўловлар тарзида амалга оширилади.

Юридик шахс сифатида фаолият кўрсатаётган ва мустақил балансига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар тижорат банкларидан бирида ўзларининг ҳисоб-китоб счётларини очишлари мумкин. Марказий банк йўриқномасига биноан корхона ўзи танлаган банкда пул маблағларини сақлаш, барча турдаги ҳисоб-китобларни ва касса операцияларни амалга ошириш учун талаб қилиб олунгунча депозит счётларини очишлари мумкин.

Корхоналарда мавжуд пул маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва уларни самарали бошқариш, шунингдек олинадиган пул маблағлар ва мажбуриятларни ўз вақтида олиб бориш бухгалтерия ҳисоби орқали назорат қилинади. Ушбу назоратни тўғри ва ўз вақтида ташкил этишда бир қатор вазифаларни бажариш лозим:

- пул маблағлари ва ҳисоб-китоб операцияларини ўз вақтида тегишли ҳужжатларда тўғри расмийлаштириб бориш
- пул маблағларидан тўғри фойдаланиш ва уларнинг мақсадли сарфланишини доимий назорат қилиш
- бюджет, бюджетдан ташқари маблағлар, банклар ва ташкилотлар, харидор ва бюртмачилар билан шартномада белгиланган тўлов шаклларига амал қилиб боришни назорат қилиш
- хўжалик пул маблағлари ҳаракатини олдиндан прогнозлаш ва пул оқимини меъёрлаштириш бўйича тегишли тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг банкдаги ҳисоблари маблағларидан фойдаланишни тўғри йулга қўйиш, аввало уларнинг аудитига муҳим эътибор

каратиш лозим. Маълумки корхоналар ҳисоб-китоб счёти орқали бошқа корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.

Уларни аудиторлак текширувидан ўтказишнинг асосий мақсади: Банкдаги пул маблағларини ҳисоб-китоб счёти, валюта счёти, махсус счётларга доир муомалаларни аудиторлик текширувидан ўтказиб, молиявий ҳисоботнинг “Пул маблағилари” бўлими бўйича маълумотларнинг ишончлилиги ва банкдаги счётларда пул маблағларини ҳисобга олиш учлублиётининг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меъерий ҳужжатларга мувофиқлиги тўғрисида хулоса шакллантириш, улар сақланиши ва ишлатилишининг мақсадга мувофиқлиги, самарадорлиги ҳамда қонунийлигини таъминлаш, шунингдек ҳисобга олишни такомиллаштиришдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур: инвентаризация ўтказиш йўли билан кассадаги мавжуд пул маблағлари, қимматли қоғозлар миқдори ва суммаларининг ҳақиқий қолдиғини аниқлаш, касса муомалаларини ҳисобга олишда «Юридик шахслар томонидан касса муомалаларини амалга ошириш қоидалари»га (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги рўйхатга олинган №565, 17 декабр 1998 й) қай даражада риоя қилинаётганлигини аниқлаш; банк муассасасидаги ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа махсус счётлар бўйича амалга оширилган муомалаларни текшириб чиқиш; ўтказилган текшириш асосида оралиқ далолатнома тузиш ва хулоса қилиш.

Пул маблағларини ҳисобнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларига:

1. “Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни.

Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” қонунининг янги таҳрири 2016-йил 13-апрелда қабул қилинган бўлиб у 32 моддадан иборат.⁵ Қонуннинг мазмуни бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш уларни ҳужжатлаштириш ҳисоботларни тайёрлаш, тузиш ва бошқа маълумотлардан иборат.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни (янги таҳрирда). –Т.: 2016 йил 13-апрель.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда ҳисобот тузиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир.

Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари:

- бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;
- самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;
- молиявий, солиққа доир ва бошқа ҳисоботларни тузишдан иборатдир.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юкланади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан, шу жумладан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритиш стандарти билан белгиланади.

Банкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни тартибга солиш Марказий банк томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

2. “Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандарти” (БХМС-9 “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”).⁶

Ўзбекистон республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС- 9) “Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот” Ўзбекистон республикаси адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ундан фойдаланувчиларга ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволидаги ўзгаришларни баҳолашга имкон

⁶ “Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандарти”(БХМС-9 “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”).

беради, уларни ҳисобот даврида қанча пул тушгани ва қанча пул чиққани тўғрисидаги ахборот билан таъминлайди.

Ушбу стандартнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари бўйича мажбурий равишда ахборот тақдим этишини белгилаб қўйишдан иборат. Бу ахборот пул маблағлари оқими тўғрисидаги ҳисобот кўринишида бўлиб, унда ҳисобот даврида операция, инвестиция ва молия фаолиятида юз берувчи пул оқимлари ҳаракати тасниф этилади.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ҳисобот даври давомида операция, инвестиция ёки молиявий фаолият натижасида хўжалик юритувчи субъект олган пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши лозим бўлади.

3. “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 15.04.2002 йилда 1122-сон билан руйхатдан ўтган).

Хўжалик юритувчи субъект узининг ҳисоб-китоб счётида бўлган барча маблағларини унга амалдаги қоидаларига мувофиқ берилган ҳуқуқлар доирасида эркин тасарруф этади.

Нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда томонларнинг масъуляти ҳар бир иштирокчи учун белгиланади. Масалан мол етказиб берувчи учун бушартномага ва юклаб жунатилган маҳсулотга мувофиқ амалга оширилган пул эквивалентини ўз вақтида олиш, харидор учун-мол етказиб берувчи томонидан шартнома шартлари бажарилиши.

Шу билан Ёрга банклар ҳам мулкчилик шаклидан қатъий назар, миждозлар олдида қабул қилинган мажбуриятлар бажарилмагани учун шартнома асосида моддий жавобгар бўлади.

Бухгалтерия ҳисоби олдида пул маблағлари, тўловлар, ҳисоб-китоблар ва кредитларни ҳисобга олиш борасида қуйдаги асосий вазифалар туради

- хўжалик юритувчи субъект пул маблағларини самарали бошқариш мақсадлари учун керакли ахборот билан таъминлаш

- нақд пулсиз ҳисоб-китобларни тартибга солувчи миёрий ҳужжатлар талабларига риоя этган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш
- ҳисоб регистрларида тўлов ва ҳисоб-китоб муомалалари пул маблағларининг мавжудлиги ҳамда ҳаракатини тўлиқ ва тезкор акс эттириш
- нақд пул маблағларидан корхонада ишлаб чиқилган лимтлар ва сметаларга мувофиқ фойдаланишнинг амалдаги қоидаларига риоя қилиш

Бош бухгалтер корхона раҳбари билан биргаликда қуйдагиларни таъминлаш керак:

Келиб тушаётган барча пул маблағларининг тўлиқ ҳисоби шунингдек, пул маблағлари, тўловлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар ва мажбуриятлар ҳолатини белгиланган муддатда инвентарлаш амалдаги қонунчиликка мувофиқ ундириш мумкин бўлмаган, даъво кузғаш муддати ўтиб кетган қарзларни бухгалтерия балансларидан ўчириш.

Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг харажатланиши ёки ўтказилиши корхона эгасининг рухсати билан амалга оширилади.

Айрим ҳолларда ҳисоб-китоб счётидан пул маблағи корхона рухсатсиз харажатланиши мумкин.

Пахта тозалаш корхонасининг асосий фаолият юзасидан ҳисоб-китоб счётига маблағ қуйдаги ҳолларда келиб тушади:

- харидорга сотилган маҳсулот учун
- харидорларга сотилган ортиқча ТМЗлар, асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа товар моддий бойликлар учун
- таъсисчилар бадали сифатида
- давлат бюджетидан
- банкдан олинган кредитлар ва бошқалар

Ҳисоб-китоб счётидан қуйдаги ҳолларда пул туланиши мумкин

- мол етказиб берувчидан сотиб олинган хом-ашё, ТМЗ ва бошқа товар бойликлар юзасидан мол етказиб берувчилардан булган қарз қайтарилганда
- банкдан олинган кредитлар қайтарилганда
- бюджетга хар йил туловлар тўланганда
- ижтимоий суғурта ажратмалари ўтказилганда
- кассага иш ҳақи бериш учун нақд пул берилганда

Ҳисоб-китоб счётидан тўланадиган маблағ маълум тартибда яъни ҳисоб-китоб хужжатларининг банкга келиб тушиши тартибига қараб навбат билан тўланади.

4. Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига мувофиқ, 2000-йил 26-майда янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги қонуни.⁷

Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС) – бу барча аудиторлик ташкилотлари ўзларининг профессионал фаолиятлари жараёнларида риоя қилишлари лозим булган ягона асосий тамоиллардир. Стандартлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва аудит услубиёти бошқармаси томонидан ишлаб чиқилиб тасдиқланади ва Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида аудиторлик стандартларига риоя қилиш аудит сифатини ва унинг натижалари ишончлилигини кафолатлайди.

⁷ Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига мувофиқ, 2000-йил 26-майда янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги қонуни.

1.3 “Зирабулоқ” АЖнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари тавсифи

Зирабулоқ пахта тозалаш заводи 1913-йилларда Самарқанд –Бухоро Когон темир йули ёқасида жойлашган Оқтош қишлоғи Зирабулоқ станциясида Мулкдор, Вохид Ходжанинг шахсий кичкина пахта заводи бўлган. Ўзини ва шу теваарак атрофдаги деҳқонларнинг якка тартибда етиштирган пахталарини сотиб олиб, қайта ишлаган.

Корхонанинг асосий мақсади:

- тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналаридан пахта хом-ашёсини сотиб олиш;
- сотиб олинган пахта хом-ашёсини ўз таркибидаги пахта қабул қилиш масканларига қабул қилиш ва уларни қайта ишлаб пахта толаси, момик, чигит ва бошқа пахта маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- тайёр маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотишни ташкил қилиш.

1962 йилда корхонанинг ишлаб чиқариш цехлари қайта реконструкция қилиниб, корхонанинг қуввати 2 батареяли қилинди. Шу зайл корхонанинг барча ишлаб чиқариш цехларида эски, пахта тозалагичлар: 5-А-12, БЧМ ЧХ лар урнига СЧ.Р.Х. лар пахтани қуритиш барабанлари СБС ўрнига СБ-10 маркали барабанлар ўрнатилди. Атроф муҳофаза қилиш мақсадида қанг ушлагич: ЦПО-3 маркали циклонлар урнига ВЗП-1200 циклонлар урнатилди.

Бугунги кундаги корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати 1- йилда 50 минг тоннадан кўпроқ хом-ашё ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу корхона олдида қатор муҳим ва аниқ вазифалар турибди. 2010 йил Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида «Зирабулоқ пахта заводи» акциядорлик жамияти бино ва иншоотлари қайтадан қурилди. Корхонанинг устав фонди 616225 минг сумни ташкил этади.

Қуйидаги жадвалда “Зирабулоқ” пахта тозалаш АЖнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.

**“Зирабулоқ” пахта тозалаш АЖнинг техник-иқтисодий
кўрсаткичлари тавсифи**

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2015 й
1	Қайта ишланган пахта хом-ашёси	тонна	33635
2	Ишлаб чиқарилган пахта толаси	тонна	11847
3	Тола чиқиши	%	35,2
4	Товар маҳсулоти баҳоси	минг сўм	36578932
5	Товар маҳсулотининг ишлаб чиқариш таннарни	минг сўм	32865940
6	1 сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқаришга кетган харажатлари	тийин	89,85
7	Ишлаб чиқариш рентабеллиги	%	10,15
8	Давр харажатлари	минг сўм	2764907
9	Молиявий фаолият харажатлари	минг сўм	872086
10	Товар маҳсулотининг тўлиқ таннарни	минг сўм	36502933
11	1 сўмлик товар маҳсулотига кетган жами харажатлар	тийин	99,79
12	Маҳсулот сотишдан соф тушум	минг сўм	39317526
13	Баланс фойдаси	минг сўм	298569
14	Соф фойда	минг сўм	136160

“Зирабулоқ” пахта тозалаш АЖда 2015-йилда 33635 тонна пахта хом ашёси қайта ишланган. 2015-йилда ишлаб чиқаришдан 11847 тонна пахта толаси олинган. Шунингдек 33635 тонна пахта хом ашёсини қайта ишлашдан 11818 тонна чигит, 960 тонна момиқ ва 1642 тонна момиқли чиқинди олинган ва сотилган. Пахта хом ашёсини қайта ишлаш жараёнига 32 865 940 минг сўмлик ишлаб чиқариш харажатлари бўлган.

Корхонада маҳсулот сотишдан тушум 39317526 минг сўм бўлиб, сотилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннарни 32865940 минг сўмни, сотиш харажатлари 46289 минг сўмни, маъмурий харажатлар 131311 минг сўмни, бошқа операцион харажатлар 2587307 минг сўмни, молиявий фаолият бўйича харажатлар 872086 минг сўмни ташкил этган.

II-боб. «Зирабулоқ» пахта тозалаш корхонаси АЖДа банкдаги ҳисоблари бўйича муомалалари ҳисоби

2.1 Банкдаги ҳисоблар бўйича пул маблағларини ҳужжатлаштириш

Ҳужжатлаштириш корхона хўжалик фаолиятини кузатиб бориш, ҳисобга олинадиган хўжалик операцияларини назорат қилиш ва акс эттиришнинг асосий усулидир.

Корхонада ҳужжатларни расмийлаштириш ва ҳужжатлар айланишини юритиш “Бухгалтерия ҳисобидаги ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўрисида”ги Низом (ЎзР АВ томонидан 14.01.2004 йилда 1297-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

Амалдаги нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишларини ташкил этишнинг қоидаларига мувофиқ ҳисоб шаклини танлаш эркинлиги хўжалик юритувчи субъектларга берилган. Белгиланган ҳисоб шакли шартномада кўрсатилади, банклар хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий муносабатларига аралашмайди. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишлари тўғрисидаги қоидалар барча миқдорларга яъни жисмоний ва юридик шахсларга тегишлидир. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишда Марказий банк томонидан 27 июнь 1998 йилда тасдиқланган 60-сон Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низомга мувофиқ белгиланган.⁸

Корхона банкдаг иҳисоблари бўйича муомалаларини ҳужжатлаштиришда қуйидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланади:

1. Тўлов топшириқлари билан олиб бориладиган ҳисоб-китоб ишлари
2. Тўлов талабномалари билан олиб бориладиган ҳисоб-китоб ишлари
3. Ҳисоб-китоб ишларининг аккредитив шакли
4. Инкассо топшириқномалари билан олиб бориладиган ҳисоб-китоб ишлари
5. Чеклар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоб ишлари
6. Мемориал ордер билан олиб бориладиган ҳисоб-китоб ишлари

⁸ Нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишда Марказий банк томонидан 27 июнь 1998 йилда тасдиқланган 60-сон Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низом

Тўловчи билан ҳақдор ўртасидаги ҳисоб шакли тузилган шартномада белгиланади. Ҳисоб муомалалари банклар томонидан мижозларнинг депозит счётидан амалга оширилади. Банклар мижозларнинг счётларида уларнинг пулларини сақлаш, шу счётларга келаётган пул маблағларини киримга олиш, мижозларнинг топшириқларига асосан уларнинг счётларидан пул ўтказиш ва пул бериш каби операцияларни бажаради. Мижознинг счётида пул етарли бўлмаган тақдирда Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида белгиланган навбат билан маблағлар мижознинг счётидан ҳисобдан чиқарилади.

Корхонада пул- ҳисоб ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби.

Пул-ҳисоб ҳужжатлари қуйидаги реквизитларга эга бўлиши шарт:

1. Ҳужжатларнинг номи ва номери.
2. Ҳужжатнинг тузилган санаси.
3. Тўловчининг номи ва счёт рақами (номери).
4. Тўловчига хизмат қилувчи банкнинг номи ва коди.
5. Ҳақдорнинг номи ва счёт рақами.
6. Ҳақдорга хизмат қилувчининг банкнинг номи ва коди.
7. Тўлов суммаси рақам билан ва ёзма равишда кўрсатилади.

Тўлов топшириғи мижознинг маълум суммаси ўзининг счётидан ҳақдорнинг счётига ўтказиш ҳақидаги банк бўлимига берган топшириғидир. Корхона тўлов топшириғи билан товарлар, ишлар ва хизматлар учун ҳамда молиявий операциялар бўйича ҳисоб ишлари амалга ошириши мумкин. Тўлов топшириғининг санаси у банкка тақдим қилинган сана билан мувофиқ бўлиши керак, мувофиқ бўлмаган тақдирда топшириқ ижро этиш учун қабул қилинмайди. Тўлов топшириғи мижознинг депозит счётида маблағи бўлган тақдирда қабул қилинади.

Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун маблағлар хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов топшириғига асосан берилади. Тўлов топшириғида “кечиктириб бўлмайдиган тўловлар ҳисобидан” сўзи ёзилиши керак. Тўлов топшириғи мижозлар томонидан банкка тўловчи билан

ҳақдорга битта банк хизмат қилган тақдирда 3 нусхада, тўловчи билан ҳақдорга турли банклар хизмат қилган тақдирда 2 нусхада тақдим қилинади.

Банк ҳар бир ҳолатда нақд пул олишга қўйилаётган талабнинг асосли эканлигини ва ҳисоб-китоб ишлари нақд пулсиз тартибда амалга оширилиши мумкинлигини текширади. Корхонанинг хизмат сафаридаги вакилига банкда унга очилган счётдан нақд пуллар касса чиқим ордерига мувофиқ берилади.

Тўлов талабномаси маълум суммани банк орқали ўтказиш тўғрисидаги мол етказиб берувчининг харидорга бўлган талабини ифодаловчи пул-ҳисоб ҳужжатидир. Тўлов талабномаси жўнатишган товарлар, бажарилган иш ва хизматлар учун тақдим этилади. Тўлов талабномасида барча пул-ҳисоб ҳужжатларида кўрсатилган реквизитлар билан бир қаторда шартноманинг номери ва санаси, контракция шартномасига мувофиқ етказиб берилган маҳсулотлар бўйича тегишли катагида

”контракция шартномаси” сўзи кўрсатилади, ҳамда товарларни жўнатиш санаси ва товар-транспорт ҳужжатларининг номерлари ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатларининг санаси ва номерлари ҳамда транспорт тури кўрсатилиши керак.

Корхонадан товарлар харидорнинг транспорти билан олиб кетилганида тўлов талабномасининг “Жўнатиш усули, накладной номери ” сатрида “Харидорнинг транспорти билан олиб кетилди, ишонч қоғози №...” деб кўрсатилади. Мол етказиб берувчи жўнатишган товарларнинг нархларини асословчи товар-транспорт ҳужжатларини тўлов талабномасига бириктириши керак. Тарафларнинг келишувига асосан тўлов акцепт билан ёки акцептсиз бўлиши мумкин. Акцепт харидорнинг тўловга розилиги демакдир. Тўлов талабномаси счёт-фактураларнинг рўйхати билан бирга мол етказиб берувчи томонидан ўзига хизмат қилувчи банк бўлимига инкассага топширилади. Бунда счёт-фактураларнинг рўйхати (реестри) 2 нусхада тузилади. Реестрлар тўлов талабномаларининг ҳамма реквизитларини ифодалаши керак.

Реестрнинг биринчи нусхасига корхона раҳбари ва бош бухгалтери имзо қўйиши ва муҳр билан тасдиқлаши керак.

Қабул қилинган санаси кўрсатилган, бухгалтернинг имзоси қўйилган ва банкнинг штампи босилган реестрнинг биринчи нусхаси мол етказиб берувчининг банкида қолади. Қабул қилинган санаси, бухгалтернинг имзоси қўйилган ва банкнинг штампи босилган реестрнинг иккинчи нусхаси мол етказиб берувчига қайтирилади. Маблағларни тўловчи ва олувчига битта банк хизмат қилган тақдирда, тўлов талабномаси банк бўлимига 3 нусхада тақдим қилинади.

Тўлов тўланганидан кейин унинг биринчи нусхаси банкда қолади, иккинчи нусхаси мол етказиб берувчининг счётидан бериладиган кўчирмага бириктирилади, тўлов талабномасининг учинчи нусхаси харидорнинг счётидан бериладиган кўчирмага бириктирилади. Мол етказиб берувчи билан харидорга турли банклар хизмат қилган тақдирда тўлов талабномаси 2 нусхасида тақдим қилинади. Тўлов талабномасининг биринчи ва иккинчи нусхаси почта орқали харидорнинг банкига жўнатилади. Унинг биринчи нусхаси тўловни кутиш учун банкда қолади, иккинчи нусхаси товар-транспорт хужжатларини бириктириб кейинги иш кунидан кечикмай, тўлов тўғрисидаги хабарнома сифатида ва акцептлаш учун харидорга юборилади. Тўловчи белгиланган муддатда тўлов талабномасини акцепт қилинганлигини кўрсатиб банкка қайтириши керак. Акс ҳолда тўлов талабномаси банк томонидан умумий тартибда акцепт қилинади ва тўловлар тўланганидан кейин биринчи нусхаси банкнинг хужжатларига бириктирилади. Иккинчи нусхаси тўловчининг счётидан бериладиган кўчирма билан бирга унга юборилади.

Аккредитив харидорнинг банкида очилиб, бу ҳақда мол етказиб берувчининг банкига маълум қилинади. Аккредитив очган банк мол етказиб берувчининг банкига тўловларни ўтказиш мажбуриятини олади. Аккредитив очиш учун харидор ўзига хизмат қилувчи банк бўлимига ариза беради. Аккредитивнинг муддати ва аккредитив орқали ҳисоб-китоб олиб бориш

тартиби харидор билан мол етказиб берувчи ўртасида тузиладиган шартнома билан белгиланади. Бу шартномада аккредитив очган банкнинг номи, аккредитив тури ва ундан фойдаланиш усуллари, аккредитив очилганлиги тўғрисида мол етказиб берувчига хабар бериш усули, аккредитивдан пул олиш учун мол етказиб берувчи ўзининг банкига тақдим қиладиган ҳужжатларнинг рўйхати ва уларнинг аниқ таърифи, товарлар жўнатилгандан кейин, иш ва хизматлар бажарилганидан кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари ва расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар ҳамда бошқа зарур бўладиган ҳужжатлар кўрсатилади. Қуйидаги аккредитив турлари очилиши мумкин:

- 1.Қопланган (депонентланган) аккредитивлар.

- 2.Қопланмаган (кафолатланган) аккредитивлар.

Аккредитивлар банкда кутилмаган ҳолатлар счётларида ва “Аккредитивлар бўйича мижозларнинг депозитлари” счётида ҳисобга олинади.Ҳар бир мол етказиб берувчи учун алоҳида унга хизмат қилувчи банкда аккредитив бўйича депозит счёти очилади. Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар чақириб олинмайдиган ёки чақириб олинмайдиган аккредитивлар бўлиши мумкин.Бундай кўрсатма бўлмаган тақдирда аккредитив чақириб олинмайдиган аккредитив бўлади.

Қуйидаги ҳолатларда аккредитив мол етказиб берувчининг банкида ёпилиши мумкин:

- 1.Аккредитивнинг муддати тугаганида. Аккредитив ёпилганлиги тўғрисида ижрочи банк эмитент банкка хабар қилади.

2. Аккредитивнинг шартларида кўзда тутилган бўлса, аккредитивдан фойдаланишни рад қилиш ҳақидаги мол етказиб берувчининг аризаси бўйича ёпилиши мумкин. Ижрочи банк томонидан эмитент банкка бу ҳақидаги хабар юборилади. Аккредитивнинг фойдаланилмаган суммаси харидорнинг банкига қайтарилади ва маблағлар қайси счётдан депонент қилинган бўлса шу счётга ўтказилади.

3. Аккредитивнинг шартларида кўзда тутилган бўлса, аккредитивни тўлиқ ёки қисман қайтариш ҳақидаги харидорнинг аризаси бўйича аккредитив ёпилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Аккредитив ёпилганлиги тўғрисидаги хабар эмитент банкка юборилади.

Аккредитивдан нақд пул бериш ҳамда аккредитивни бошқа адресга кўчириш тақиқланади.

Мемориал-ордернинг биринчи нусхаси тасдиқловчи ҳужжатларнинг бир нусхаси билан банкнинг кундалик ҳужжатларига бириктирилади. Иккинчи ва учинчи нусхалари тасдиқловчи ҳужжатларнинг 2-нусхаси бириктирилиб эмитент банкка жўнатилади. Тўртинчи нусхаси депозит счётидан бериладиган кўчирма билан бирга мол етказиб берувчига берилади. Шу билан бир вақтда аккредитивдан тўланган суммалар 1-картотекадан ҳисобдан чиқарилади.

Инкасса топшириқномаси тўловчининг счётидан маблағларни сўзсиз ҳисобдан чиқариш тўғрисида ундирувчиларнинг банкка берган талабини ифодалайди. Инкасса топшириқномалари қуйидаги ундирувчилар томонидан банкка тақдим қилиниши мумкин:

1. Солиқ органлари томонидан - ўз вақтида тўланмаган солиқлар ва давлат бюджетига тўланиши керак бўлган қатъий ва кун сайин ҳисобланадиган жарималардан иборат солиқсиз тўловларни ундириш учун;

2. Бюджетдан ташқари фондлар томонидан - агар қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бўлса, ўз вақтида тўланмаган тўловларни ундириш учун;

3. Суд органлари томонидан - уларга берилган ижро ҳужжатлари бўйича;

4. Божхона органлари томонидан - ўз вақтида тўланмаган божхона тўловларини ундириш учун ҳамда қонунга мувофиқ бошқа органлар томонидан инкасса топшириқномалари банкка тақдим қилиниши мумкин.

Банк томонидан маблағлар тўловчиларнинг счётларидан фақат ҳужжатларнинг асл нусхаларига ёки уларнинг дубликатларига асосан ҳисобдан чиқарилади. Хўжалик судининг қарорларига асосан маблағларни

ундириб олишда инкасса топшириқномаларида ушбу қарорнинг номери ва санаси кўрсатилиб, бунда қарз суммаси ва давлат божи харажатлари алоҳида ажратиб кўрсатилиши керак.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдасига маблағларни ундириш учун ҳужжатлар белгиланган муддатидан кечикиб тақдим қилинганида банк бу ҳужжатларни инкассага қабул қилмайди. Қонунга мувофиқ ижро ҳужжатларини бажаришнинг қуйидаги муддатларда белгиланган:

1. судлар томонидан берилган ижро варақалари бўйича-3 йил;
2. ижро устхатлари бўйича-3 йил;
3. хўжалик судлари томонидан берилган ижро варақалари бўйича-6 ой;
4. меҳнат низолари бўйича комиссия томонидан берилган гувоҳномалар бўйича-3 ой.

Хўжалик судининг судяси томонидан берилган суд буйруғи бўйича маблағлар буйруқ берилганидан бошлаб 10 кун утганидан кейин ундириб олинади.

Ижро ҳужжатларини ижро этиш учун банкка ёки суд ижрочисига тақдим этилиши уларни тақдим қилиш муддати ўтишини тўхтатади. Ундирувчига ҳужжат банк ёки суд ижрочиси томонидан қайтарилган тақдирда, муддат қайтарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Банклар фақат қуйидаги ҳолатларда маблағларни ундиришни вақтинча тўхтатиш ёки тўлиқ тўхтатиш ҳуқуқига эга:

1. Ундирувчиларнинг аризасига мувофиқ;
2. Хўжалик судининг тегишли қарори тақдим қилинганида;
3. Жиноий иш қўзғатиш муносабати билан тергов органларининг қарорлари бўйича.

Маблағларнинг ундирилиши вақтинча тўхтатилиши ёки тўлиқ тўхтатилишига асос бўладиган юқоридаги ҳужжатларда ҳужжатнинг санаси ва номери кўрсатилиши керак.

Ундиришни бошқа усул билан амалга ошириш учун ундирувчи ижро ҳужжатларини суд ижрочисига бериш тўғрисида банкка буйруқ бериши ҳам мумкин.

Ундирилиши тўхтатилган ҳужжат ундирувчига қайтарилиши керак. Ҳужжат топширилганида ёки жўнатилганида банк ҳужжатни бош бухгалтернинг имзоси ва банкнинг муҳри билан тасдиқлайди ва қуйидагиларни кўрсатиб, устхат ёзади:

1. Ҳужжатнинг банкка келиб тушган санаси;
2. Ҳужжат қисман тўланган бўлса, ундирилган сумманинг миқдори ёзма равишда кўрсатилади;
3. Ҳужжат банк томонидан ундирувчига ёки суд ижрочисига берилган ёки жўнатилган сана.

Агар тўловчининг счётида маблағ бўлмаса инкасса топшириқномаси 2-картотекага қўйилади ва қонун билан белгиланган навбат билан тўланади.

Инкасса топшириқномаси ундирувчи томонидан инкассага бир шаҳар ичидаги ҳисоб-китоб ишларида ўзига хизмат қилувчи банк бўлимига ёки бевосита тўловчининг счётини юритаётган банкка, шаҳарлараро ҳисоб-китоб ишларида - фақат ўзига хизмат қилувчи банкка тақдим қилинади.

Инкасса топшириқномаси банкка 3 нусхада тақдим қилинади: агар тўловчи билан ҳақдорга битта банк хизмат қилса, инкасса топшириқномасининг биринчи нусхаси банкнинг кундалик ҳужжатларига бириктирилади; иккинчи нусхаси ижро ҳужжатларини бириктириб, тўловчига унинг счётидан кўчирма билан бирга берилар; учинчи нусхаси ҳақдорга унинг счётидан кўчирма билан бирга қайтарилади. Бир шаҳар ичидаги ҳисоб-китоб ишларида инкасса топшириқномаси бевосита тўловчининг банкига тақдим қилиниши мумкин. Бунда унинг биринчи нусхаси тўлов тўланганидан кейин банкнинг кундалик ҳужжатларига бириктирилади, иккинчи нусхаси ижро ҳужжатларига бириктирилиб тўловчига унинг счётидан кўчирма билан бирга унга берилар, учинчи нусхаси ҳақдорга унинг счётидан кўчирма билан берилар. Банклараро ва

шаҳарлараро ҳисоб-китоб ишларида инкасса топшириқномалари ундирувчиларга хизмат кўрсатувчи банк бўлимига тақдим қилинганида, биринчи ва иккинчи нусхалари ижро ҳужжатлари бириктирилиб почта орқали ижрочи банкка жўнатилади. Бу ҳужжатлар уларни қабул қилиш санаси кўрсатилиб банк бухгалтерининг имзоси ва банкнинг штампи билан тасдиқланади. Инкасса топшириқномасининг учинчи нусхаси қабул қилинган санаси кўрсатилиб, банк бухгалтерининг имзоси ва банкнинг штампи билан тасдиқланиб мижозга қайтарилади.

Тижорат банкининг ҳисоб чеки маълум суммани чек берувчининг счётидан чек қабул қилувчининг счётига ўтказиш ҳақидаги тўловчининг ўзига хизмат қилувчи банкка берган топшириғидир.

Чек бланкалари тижорат банкларининг буюртмасига мувофиқ уларнинг фаолияти учун зарур бўлган миқдорда Марказий банк қошидаги ”Давлат белгиси” ишлаб чиқариш корхонасида белгиланган шаклда тайёрланади. Бунда чек рақами ва серияси эмитент банкнинг номи ва фирма белгиси типография усулида ёзилади. Чеклар фақат товар ва хизматлар учун жисмоний шахслар билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишларида қўлланилади. Чекнинг максимал суммаси Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан, чекнинг минимал суммаси эса тижорат банклари томонидан мустақил равишда белгиланади.

Банк чек берганда жисмоний шахснинг аризасига асосан чек суммасига “Жисмоний шахслар талаб қилиб оладиган депозитлар” деб аталадиган 20206 сонли баланс счётида алоҳида иккиламчи сёт очади ва тўловларни фақат шу сётдан амалга оширади. Чек жисмоний шахснинг талаб қилиб оладиган депозит счётидаги мавжуд маблағлар ёки улар топширадиган нақд пуллар ҳисобига берилади.

Чек икки қисмдан: чекнинг ўзи ва унинг милк (корешоги)дан иборат. Милк чекда кўрсатилган суммаларни тасдиқлаш учун белгиланган назорат рақамларини ўз ичига олади. Чекнинг амалда бўлиш муддати тижорат банклари томонидан мустақил равишда белгиланади.

Банк ходими ҳисоб чекини беришда қуйидаги реквизитларни тўлдириши керак:

1. Чек берилган сана;
2. Чекнинг суммаси рақамлар ва сўз билан;
3. Жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
4. Паспортининг серияси ва тартиб рақами;
5. Чек берувчининг депозит счёти;
6. Чек берган банк бўлимининг номи ва коди;
7. Чек.....гача ҳақиқий.

Кўрсатилган реквизитлар тўлдирилганидан кейин, банкнинг масъул ходимлари ҳисоб чекига имзо қўйиши керак ва ҳисоб чекининг милкини назорат рақамлари жойлашган чизик бўйича чекдан шундай қирқиб ажратадики, бунда кесик чизигида қолган сонлар чекнинг суммасига мос келиши керак ва муҳр билан тасдиқланади.

Ҳисоб чекини олувчи чекни олганлиги ҳақида унинг милкида имзо қўйиши керак. Махсус дафтарда ҳисоб чекининг рақами ва серияси, номига чек ёзилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда чекнинг суммаси ёзилади. Чек суммасининг қанчаси нақд пул топшириш билан, қанчаси омонат дафтарчасидаги пуллардан ҳамда жисмоний шахслар талаб қилиб оладиган депозит счётидан ўтказилганлиги кўрсатилиши керак. Кассир банк ходимидан ҳамма ҳужжатларни олиб, уларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текширади ва имзо қўяди, ҳисоб чекини олувчидан чек бериладиган суммани ва чек учун тўловни қабул қилади, чек олувчига ҳисоб чекини ва омонат дафтарчасини беради, ҳамда ҳисоб чекининг корешогини иш кунинг охиригача ўзида қолдиради.

Қабул қилинган, ишлатилган ва қайтарилган чек бланкалари қатъий назоратдаги бланкалар ҳаракатини ҳисобга олиш учун белгиланган дафтарда кутилмаган ҳолатлар счётида ҳисобга олинади. Иш куни давомида ишлатилган ҳисоб чекларининг бланкалари чиқим ордерига мувофиқ кутилмаган ҳолатлар счётидан ҳисобдан чиқарилади.

2.2 Банкдаги ҳисоблар бўйича муомалаларини аналитик ва синтетик ҳисобини юритиш.

Корхона банкидаги ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 5100-“Ҳисоб-китоб счёти” ва 5500-“Банкдаги махсус счёти” да амалга оширилади. “Зирабулоқ” пахта тозалаш АЖда ҳисоб-китоб счёти ва махсус счёт бўйича куйидаги счётларда юритилади:

- 5110-“Ҳисоб-китоб счёти”
- 5111-“Нафақа счёти”
- 5112-“Пластик карта счёти”
- 5510-“Аккредитивлар”
- 5530-“Бошқа махсус счётлар”

Бухгалтерия ҳисобида ҳисоб-китоб счёти бўйича оперициялар банк кўчирмалари ва уларга илова қилинадиган пулли ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида акс эттирилади.

Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари ҳисобга олувчи счётлар (5100) бўйича аналитик ҳисоб миллий валютадаги пул маблағларини сақлаш учун банкларда очиладиган ҳар бир счёт бўйича юритилади.

Ҳар бир корхонани банкда ҳисоб-китоб счёти очилади. Бу счётда корхона ўз пул маблағларини сақлайдилар ва турли ташкилотлар билан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар олиб борадилар.⁹

Талаб қилиб олунгунча бўлган сумдаги депозит счётларини очиш учун юридик шахслар банкка қуйдаги ҳужжатларни топширадилар:

- Юқорида келтирилган юриқноманинг 1-иловасига келтирилган шаклда счёт очиш учун ариза;
- Статистика органлари томонидан корхоналар, ташкилотларнинг ягона давлат рўйхатига киртилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- Юқори орган ёки таъсисчилар мажлисида тасдиқланган устав ёки низомдан нотариал орган томонидан тасдиқланган кўчирма;

⁹ Ҳашимов А.А., Мажидов А.А. Пахта тозалаш корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма Т.: Шарқ, 2013 й., 231 б.

- Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат;
- Солиқ органида рўйхатдан ўтганлиги ва идентификациялашган солиқ тўловчи рақами берилганлиги тўғрисида гувоҳнома кўчирмаси;
- Имзо намуналари ва муҳр изи туширилган карточка.

Корхоналарнинг пул маблағлари ҳисоб-китоб сче­тида сақланганлиги учун банк маълум миқдорда фойз тўлайди. Корхона раҳбари ва бош бухгалтернинг карточкада қўйилган имзолари юқори орган томонидан тасдиқланади.

Ҳисоб-китоб сче­тидаги пул маблағлари қуйидаги ҳўжалик муомалалари натижасида кўпайиши мумкин:

- давлатга сотилган маҳсулот учун пул олинганда;
- чет ташкилотларга бажарган иш ва хизматлар учун пул олинганда; банклардан ссудалар олинганда;
- кассадаги лимитдан ортиқча пуллар ўтказилганда;
- асосий ҳўжалик фаолиятидан бошқа даромадлар тушганда.

Ҳисоб-китоб сче­тига тушадиган пул маблағлари банк коидаларига мувофиқ намунавий ҳужжатлар асосида расмийлаштирилади. Масалан, сотилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун тайёрлов ташкилотлари ва бошқа ҳўжаликлардан тушадиган пулларни банк бу ташкилотларнинг ўз қарзлари учун пул ўтказиши тўғрисидаги ҳужжатларига асосан ўтказди.

Корхонанинг ҳисоб-китоб сче­тидаги пул қуйидаги тўловлар ҳисобига камайиши мумкин:

- бошқа ташкилот ва корхоналардан олинган мол ва моддий бойликлар ҳамда кўрсатилган хизматлар учун пул тўлаганда;
- меҳнатга ҳақ тўлаш ва турли ҳўжалик эҳтиёжлари учун кассага нақд пул олиб келинганда;
- давлат бюджети ва суғурта органларига мажбурият юзасидан пул ўтказиб берилганда;
- банкдан олинган ссудалар ва уларнинг фоизи қайтарилганда;
- ҳўжалик фаолиятига доир бошқа тўловлар тўланганда.

Корхонанинг ўз ҳисоб-китоб счётидан пул маблағлари ҳаракати устидан назорат қилиб туриш учун банкдан вақти вақти билан кўчирма олиб туради. Бу кўчирма ҳисоб-китоб счёти бўйича банкда юритиладиган шахсий счётнинг иккинчи нусхаси ҳисобланади. Кўчирмада ҳисоб-китоб счётига тушган ва ундан тўланган ҳамма пул маблағлари кўрсатилади. Бунда шуни эътиборга олиш керакки, банк учун корхоналарнинг ҳисоб китоб счётлари пассив счёт бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун унинг кредитида кўпайиши, дебитида камайиши акс эттирилади. Банклар (корхона билан келишган ҳолда) кўчирмани бериш муддатини белгилайди, шу билан бирга кўчирмани текшириш муддати, яъни банк ёзувларига норозилик билдириш муддати ҳам белгиланади. (2 кун) Кўчирмаларни текшириш пайтида аниқланган хатолар ҳисоб-китоб счётида банк томонидан ёзилган суммада акс эттирилади.

Корхонанинг ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг ўзаро боғлиқлигини қуйдаги жадвалда кўришимиз мумкин

2-жадвал

**«Зирабулоқ» пахта тозалаш корхонаси АЖ 2015-йилда банкдаги
хисоблари бўйича қуйдаги хўжалик муомалаларини амалага
оширган.**

(минг сумда)

№	Хўжалик муомалалари	Д-т	К-т	Сумма
1	Фермер хўжаликларига тўланган ортиқча сумма ҳисоб-китоб счётига қайтарилди	5110	6015	25936
2	Ҳисоб-китоб счётидан бажарилган (иш,хизмат)лар учун пул ўтказиб берилди	6012	5110	26534
3	Ҳисоб-китоб счётидан коммунал тўловлар учун пул ўтказиб берилди	6013	5110	4938
4	Кўрсатилган транспорт хизматлари учун пул ўтказилди	6014	5110	1877
5	Туман пенсия жамғармаси томонидан корхона счётига ходимларнинг пенсияси келиб тушди(50%) июль ойи учун	5111	4890	2205504
6	Келиб тушган пенсия пули нафақа счётидан пластик счётига ўтказилди	5112	5111	2205504
7	Пластик счётига келиб тушган пул ходимларнинг пластик карточкасига ўтказилди	6719	5112	2205504
8	Ходимларнинг иш ҳақиси платик карточкасига тушириб берилди (июль ойи учун)	6711	5112	34143909
9	Таъсисчиларга ҳисобланган дивидендлар ўтказиб берилди	6610	5112	358961

5110-“Ҳисоб-китоб счёти” бўйича операциялар текширилган банк
кўчирмаси ва унга илова қилинган пул хужжатларига асосан акс эттирилади.

5110-счётининг салдоси ҳисоб-китоб счётидан берилган кўчирмада кўрсатилган қолдиққа тенг келиши шарт. Бу сёт бўйича аналитик ҳисоб банкнинг кўчирмалари бўйича юритилади.

“Зирабулоқ” пахта тозалаш АЖда банкдаги пул маблағлари 5110-счётининг кредит оборотлари 2-журнал-ордерида акс эттирилади. 5110-счётининг дебет оборотлари турли журнал-ордерларига ёзилади. Бу регистрлар текширилган ва ишлаб чиқилган банк кўчирмаларига асосан тўлдирилади.

Корхонанинг "Банкдаги махсус счётлар"га "Пул ҳужжатлари" счёти ва "Йулдаги ўтказмалар" счётларидаги пул маблағлари киради. 5510 "Банклардаги махсус счётлар" счёти республика ҳудудида ва хорижда аккредитивлар, чек дафтари, бошқа тўлов ҳужжатларида (векселлардан ташқари) жорий, алоҳида ва бошқа махсус счётларда Ўзбекистон Республикаси валютасида ва хорижий валютадаги пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги, шунингдек, мақсадли молиялаш маблағларининг (тушумларининг) алоҳида тарзда сақланиши лозим бўлган қисми ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Биринчи сётда аккредитивларда тўрган маблағларнинг ҳаракати ҳисобга олинади. Ҳисоб-китобларнинг аккредитивларда тўрган маблағларнинг ҳаракати ҳисобга олинади. Ҳисоб-китобларнинг аккредитивлар шаклида амалга оширилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан тартибга солинади.

Корхонанинг иқтисодий самарадорлигини ошириш нафақат ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ва миқдорини ошириш ва уларнинг юқори баҳоларга сотиш балки мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидаги энг аввало пул маблағларидаги самарали фойдаланиш ҳисобига ҳам эришиш мумкин. Бунинг учун эса корхоналардаги пул маблағларининг ҳаракати уларнинг келиб тушиши ва сарфланиши тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Ушбу вазифа эса энг аввало пул маблағларини ҳисобга олувчи бухгалтерия ҳисобининг счётлари, уларнинг субсчётлари ва аналитик счётларида шаклланадиган маълумотларни янги корхонани бошқариш учун зарурийлиги нукта-назаридан йиғиш қайта ишлаш ва сақлашни ташкил қилиш алоҳида аҳамиятга эга.

III-боб. «Зирабулоқ» пахта тозалаш корхонаси АЖнинг банкдаги пул маблағлари ички назорати ва аудити

3.1 Пахта тозалаш корхоналари банкдаги пул маблағларини ички назоратини мохияти ва уни ташкил этиш.

Ички назорат тизими - бу бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг тўғрилигини таъминлашга қаратилган, ҳамда корхона ресурсларидан мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланишга имкон яратадиган доимий, кундалик ишлар мажмуидир.

“Зирабулоқ” пахта тозалаш корхонасида ички назорат тизими ташкил этилган бўлиб уларнинг иш фаолиятига:

- Корхонадаги ахборотларни тўплаш ва тизимдагии мавжуд хатоларни ўз вақтида аниқлайди;
- масъулият тизимидаги ҳар қандай вазифани бошдан охиригача якка ўзи амалга оширишига йўл қўймайди;
- ҳар қандай муомалаларни мувофиқлаштириш тизимни юритиш;
- инвентаризация мунтазам равишда ўтказиш;
- бухгалтерия ҳисоботлари ва режадан четга чиқишлар таҳлил қилинади.

Ички назоратнинг тузилиши турли хил бўлиши, корхона фаолияти, унинг ҳажми, раҳбариятнинг шахсан назорат қила олиш имкониятлари ва кўплаб бошқа омилларга боғлиқ.

Агар ҳар кунлик иш ички назорат остида бўлса, даромадлар кўпаяди. Кундалик иш ишончли бўлса даромадни йўқотиш хавф-хатари ҳам пасаяди.

Ички назорат тизимини баҳолашнинг асосий мақсади аудитни режалаштириш, шунингдек аудиторлик амалларининг турларини, ўтказиш вақтини ва ҳажмини аниқлаш учун пухта замин яратиб, уларни аудиторлик текширувининг дастурида акс эттиришдан иборат. Фараз қилайлик, аудитор томонидан дастлабки аудиторлик текшируви дастури тайёрланган ва у олдинда турган ишларнинг бориши тўғрисида маълум тасаввурга эга. Дастлабки дастур сифатида ўтган йилги аудиторлик текширувининг дастури олиниб, мижоз-корхонадаги ички назорат тизимини дастлабки таҳлил қилиш

ва самарасизлик хавф-хатарини баҳолаш натижаларига мувофиқ тузатишлар киритилади.

Ички назорат тизимини баҳолашнинг навбатдаги мақсади - бу уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдир. Аудитор ички назорат тизимини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиб, ўз таклифларини мижозга тақдим этиладиган махсус хатда баён қилади. Аудиторлар ушбу таклифларни аудиторлик текширувининг элементи сифатида расман қабул қилиб, уларни консультация хизматлари қаторига киритмайди. Берилган таклифларга риоя қилиш ёки қилмасликни мижознинг ўзи ҳал этади. Таклифлар баён қилинган хат аудит жараёни якунланганидан сўнг ёзилади.

“Зирабулоқ” пахта тозалаш АЖда ички назорат тизими тузулмаси учта таркибий қисмга бўлинган:

- **назорат муҳити** - корхонада ички назорат учун қулай бўлган ўзаро хизмат муносабатларини аниқлайдиган белгилари;
- **корхонадаги бухгалтерлик ҳисоби тизими** - тегишли хўжалик муомалаларини ёзишга тааллуқли ҳисоб сиёсати ва амаллари;
- **назорат амаллари** - корхона ходимлари томонидан бажариладиган махсус текширувлар.

Ушбу учала таркибий қисм ўзаро боғлиқликда ахборотлардаги жиддий хатоларнинг олдини олиш, аниқлаш ва тузатишни таъминлайди.

Назорат муҳити деганда корхона раҳбариятининг хабардорлиги, ички назорат тизимини ўрнатиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий ишлари тушунилади.

Назорат муҳитининг аҳволи раҳбарларнинг иш услуби, назорат ва ходимлар устидан назорат мақсадини тушунтириш тизимининг самарадорлигига боғлиқ.

Корхонадаги назорат муҳити қуйидаги элементлардан иборат:

- сиёсат ва бошқарув услублари;
- корхонанинг бошқарув тузулмаси;
- директорлар кенгаши, хусусан унинг аудиторлик комитети фаолияти;

- бошқарув функциялари ва масъулиятларни тақсимлаш услублари;
- назорат бошқарув услублари, шу жумладан ички аудит;
- кадрлар сиёсати ва амалиёт;
- ташқи таъсирлар (банклар текшируви, солиқ назорати).

Аудитор ички назорат тизимининг ишончилигини ва текшириш ўтказишда унга таяниш мумкинлиги ҳақида асосли қарор қабул қила олиши учун бу тизимни ўрганади. Назорат тизимининг ишончилиги, унинг ҳисоб юритишда муайян шахслар қасддан қилиши мумкин бўлган, шунингдек тасодифий йўл қўйиладиган хатоларнинг олдини олиш ва аниқлаш лаёқатидан иборат. Агар аудиторнинг фикрича, ички назорат тизими ишончли бўлса, бунда у текширув объектларидан бирортаси бўйича счётлар ёки муомалаларни текширишни тўлиқ ёки қисман ички назорат тизимининг ишлашини текшириш натижаси билан алмаштириши мумкин. Агар, ички назорат тизими ишончли ва сезиларли даражада издан чиқмасдан ишлаётганлигини аниқланса, у бундай тизимдаги бухгалтерлик маълумотларида ҳам катта хатолар йўқ деб тахмин қилишга ҳақлидир. Агар, мабодо ички назорат тизими самарасиз бўлса, аудитор унинг камчиликларидан келиб чиқадиган хатарли вазиятларни бартараф қилиш учун тестлар сони ва уни танлаш ҳажмини кўпайтириши лозим. Ички назорат тизимини кўриб чиқишда, аудитор аввало, корхона маъмуриятининг ички назоратга муносабатини, яъни корхона раҳбарининг фикрлаш хусусиятларини, уларнинг раҳбарлик қилиш услубини, аниқ молиявий ҳисоботга муносабатини ўрганади. Аудитор корхона атрофидаги ишчанлик муҳитини ҳам инкор қилмаслиги лозим. Ўрганишнинг ушбу босқичида аудитор мижоз билан тузилган шартномадан келиб чиқадиган таҳликали вазиятларни баҳолашда тўплаган маълумотларидан фойдаланади. Лекин, у агар бутун аудитнинг таҳликали вазиятларини қулай деб баҳолаган бўлса, шунингдек, корхонанинг ички назорат тизимини ҳам ишончли деб билмаслиги лозим. Режалаштириш пайтида ички назорат тизими фаолиятининг барча томонларини батафсил таҳлил қилиб чиқиш лозим.

Аудитор олинган маълумотларни ягона тизимга келтириш учун қисқача ҳисобот тайёрлаб, унда қуйидагиларни баён қилади: корхонанинг фаолият қилиш соҳаси ва принциплари; раҳбариятнинг ишончли ҳисоб ва назорат тизимини яратишга оид мажбуриятлари; раҳбариятнинг корхона фаолиятини назорат қила олиш лаёқати.

Фаолият соҳасини баён қилишда аудитор асосий диққат-эътиборини ички назоратнинг алоҳида участкаларига қарата-ди. Турли тармоқлардаги айрим муомалалар ва счётларга нисбатан назоратнинг кучайтирилиши бошқалари учун самарасиз бўлиши мутлақо аён. Масалан, савдода товар захираларини назорат қилиш, амалда етарли даражада самарали бўлиб, айни пайтда саноатда материалларни назорат қилиш кассани назорат қилишдан самарасиз бўлиши мумкин.

Аудитор мижоз учун самарали ички назорат тизимини ишлаб чиқишга жавобгар эмас. Бундай тизимни яратиш корхонанинг ташкилий тузилмасини, назорат амалларини ва ҳужжатлаштиришни ишлаб чиқишни тақозо этади. Аудиторлик фирмаси ишлаб чиқадиган назорат тизими бу консультацион хизматлар бўлиб, уларни фирма ўзининг аудиторлик функцияларига киритмайди.

Нazorat қилиб туриш назорат муҳитининг муҳим элементи ҳисобланади. Корхонада ҳисоб функциялари ва назорат амалларини корхона ходимлари ва компьютер тизими бажариши мумкин. Менежерлар томонидан бу функциялар бажарилиши устидан назорат ўрнатилишини таъминлаш эътиборга молик. Кредитлаш бўйича менежерлар иши устидан назоратни амалга оширувчи назоратчи, масалан, дебиторлар счётларидаги сальдоларни назорат счёти маълумотларига вақти-вақти билан таққослаб туриши мумкин. Бўлинмалар раҳбар-лари ёки назоратчилари хизматчилар томонидан топилган хатоларни тузатишлари, шунингдек, корхонадаги ҳисоб тизимига тааллуқли қарорлар қабул қилиши ва рухсат этиши мумкин.

3.2 Пахта тозалаш корхоналарида банкдаги ҳисоблари бўйича муомалалари ҳисобини аудиторлик текширувидан ўтказиш


Бугунги кунга келиб пул маблағлари аудити анча такомиллашди. Иқтисодий ётти модернизациялаш шароитида корхоналар банкдаги ҳисоблари бўйича муомалалар аудити муҳим аҳамият касб этади.

“Зирабулоқ” пахта тозалаш АЖни банкдаги ҳисоблар бўйича муомалаларини текширувдан ўтказишда аудитор қуйидаги маълумот манбаларидан фойдаланади:

- Корхонани ҳисоб юрийтиш сиёсати тўғрисидаги буйруқнинг пул маблағлари ҳисобига доир бўлими;
- Корхонанининг банкдаги ҳисоб-китоб, бошқа махсус счётлар бўйича муомалаларни амалга оширишни ва ушбу муомалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришни тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжатлари (Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида Низом (янги таҳрири)(Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган №496, 8 октябрь 1999 й);
- Корхонанининг бухгалтерия ҳисоботлари (бухгалтерия баланси (1-шакл) ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл);
- Корхонани солиқ органига топширган ҳисоботи (счётлар тўғрисида маълумот);
- Корхонанинг банкдаги ҳисоблари бўйича муомалаларни ҳисобга оладиган синтетик ҳисоб регистрлари;
- Корхонанинг банкдаги ҳисобларига доир муомалаларини расмийлаштирадиган дастлабки ҳужжатлари;
- Корхонанинг банкдаги ҳисобларига доир муомалаларни акс эттириш учун қўлланиладиган ишчи счётлар режаси;
- Бухгалтерия ҳисобининг корхонада қўлланиладиган шакли ва банкдаги ҳисобларидаги маблағларни ҳисобга олишга доир регистрлар рўйхати;
- банкдаги счётларга доир муомалалар бўйича пул ва ҳисоб-китоб

хужжатларини имзолаш ҳуқуқига эга шахслар рўйхати.¹⁰

“Зирабулоқ” пахта тозалаш АЖнинг молиявий ҳисоботнинг ишончилигини тасдиқлаш учун ундаги кўрсаткичларнинг синтетик ва аналитик ҳисоб, банк кўчирмаси маълумотларига мослигини текшириш керак. Бундай текширувни қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ (1-расм).



1-расм. Кўрсаткичлар кетма-кетлиги

¹⁰ Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-612б.

Дастлабки ҳужжатлар қуйидаги тартибда гуруҳланади: олдин банк кўчирмаларига кирим ҳужжатлари, улардан кейин эса барча чиқим ҳужжатлари кетма-кет илова қилинади.

Корхонани текширув жараёнида бажариладиган амаллар аудиторнинг ишчи ҳужжати билан расмийлаштирилади. Тафовутлар аниқланганида фарқ суммаларини кўрсатиш ва уларнинг сабабларини очиқ бериш зарур.

Аудитор “Зирабулоқ” пахта тозалаш АЖни банкдаги ҳисобларга доир муомалалар аудитини банкдаги миллий ва чет эл валютасидаги пул маблағлари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда уларга илова қилинган солиқ ҳисоботини текширишдан бошлайди. Бунда даставвал корхонани банкда очилган счётлар сони ва рақами ҳамда қайси банкда очилганлигини аниқлайди.

“Зирабулоқ” пахта тозалаш АЖни хизмат кўрсатувчи банки ОАТБ “Агробанк” Самарқанд вилояти Нарпай туман “Агробанк” бўлими ҳисобланади. Ҳ/р 20210000804430941001

Бу маълумотлар аудиторга барча счётлар бўйича банк кўчирмаларини ва ҳар бир счёт бўйича ҳисоб регистрларини текшириш учун керак бўлади.

Сўнгра аудитор корхона ва банк ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг юридик асосларини аниқлайди, банк хизмати кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси нормаларига мувофиқлигини текширади.

Банкдаги ҳисоблар бўйича пул маблағлари кирими ва чиқимига доир муомалалар банкда тегишли дастлабки ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Ушбу дастлабки ҳужжатларнинг шакллари ва тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки йўриқномаларида белгиланган. Бундай ҳужжатларга қуйидагилар киради:

- банк кўчирмалари (банк томонидан тасдиқланиб илова қилинган ҳисоб-китоб тўлов ҳужжатларининг шакллари билан); тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, тўлов топшириқнома-талабномаси, тўлов ордери, инкасса топшириқномаси (фармойиши), ҳисоб-китоб счётига

нақд пул топшириш учун ариза, валютани мажбурий сотиш учун топширикнома, валюта сотиб олиш учун топширикнома, резидентнинг сотиб олинган валютани сўмга айлантириш тўғрисидаги фармойиши ва бошқалар;


- банк ҳисоб-китоб ҳужжатларига илова қилинадиган ва амалга оширилган муомалаларнинг қонунийлигини асословчи дастлабки ҳужжатлар.

Аудитор корхона ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилишини текширади, ҳужжатларни арифметик текширув ва банкдаги счётлар бўйича амалга оширилган муомалаларнинг қонунийлигини текширувдан ўтказди.

Аудитор банкдаги счётлардан акцептсиз (розиликсиз) ҳисобдан чиқаришга доир муомалаларни текширишга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Бундай ҳолатлар фақат суд қарори, бевосита қонун кўрсатмалари, миқдорнинг банк шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин.

Банкдаги счётлар бўйича муомалалар Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқлар ёки йиғимларни ундириш тўғрисидаги қарорни таъминлаш учун тўхтатилиши мумкин. Ушбу чеклашлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига мувофиқ ижро қилиш навбати солиқ тўлашга доир мажбуриятлардан олдин тўланадиган тўловларга тааллуқли эмас. Банкдаги муомалаларни тўхтатиш солиқ органидан бундай муомалаларни тўхтатиш тўғрисидаги қарор олинган пайтдан то ушбу қарор бекор қилингунга қадар амал қилади.

Бухгалтерия ҳисоботининг ишончилигини тасдиқлаш учун ундаги кўрсаткичларнинг синтетик ва аналитик ҳисоб, банк кўчирмаси маълумотларига мослигини текшириш керак. Бундай текширувни қуйидаги чизма бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқ (-расм).



2-расм Корхонанинг банкдаги счётлари бўйича аудит ўтказиш чизмаси.

Текширув жараёнида бажариладиган амаллар аудиторнинг ишчи ҳужжати билан расмийлаштирилади. Тафовутлар аниқланганида фарқ суммаларини кўрсатиш ва уларнинг сабабларини очиб бериш зарур.

Шундай қилиб, банкдаги 5110 «Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5510-«Аккредитивлар», 5520 «Чек дафтарчалари» ва 5530 «Бошқа махсус счётлар» бўйича амалга оширилган банк муомалаларини текширишда аудитор корхонада қуйидагиларни амалга

ошириш зарур:

- корхонанинг нечта ҳисоб-китоб счёти, валюта счёти ва махсус счёти борлиги, шунингдек улар қайси банк муассасаларида очилганлигини аниқлаш;
- счётлар сонини аниқлаб, баланснинг «Ҳисоб-китоб счёти», «Валюта счёти», «Банкдаги махсус счётлар» -моддалари бўйича қолдиқларни ва бу счётлар бўйича банк кўчирмаларидаги ушбу баланс санасига бўлган қолдиқларни солиштириш, шунингдек, банк кўчирмаларида акс эттирилган суммаларни илова қилинган дастлабки ҳужжатларда акс эттирилган суммалар билан таққослаш лозим;
- амалга оширилган муомалаларнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш;
- банкдаги счётлардан олинган кўчирмалар ва кўчирмаларга илова қилинган, муомулаларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштиришини текшириш;
- банк кўчирмаларида ва банкдаги пул маблағлари ҳисобга олинадиган регистрларда пул маблағларининг кими ва чиқими бўйича оборотларни жамлашни ва кун охирига қолдиқ чиқаришнинг тўғрилигини арифметик текшириш;
- банк кўчирмаларидаги, бухгалтерия ҳисоби регистрларидаги ва Бош дафтардаги ёзувларни ҳамда Бош дафтардаги қолдиқлар ва баланс моддаларининг мослигини текшириш;
- банк кўчирмасида акс эттирилган ҳар бир муомала тегишли дастлабки ҳужжатлар (счётлар, тўлов топшириқлари, тўлов талабномалари, шартномалар, акт процентовкалар ва бошқалар) билан тасдиқланиши лозим. Банк кўчирмаларига илова қилинган
- дастлабки ҳужжатлар қуйидаги тартибда гуруҳланади; олдин банк кўчирмаларига ким ҳужжатлари, улардан кейин эса барча чиқим ҳужжатлари кетма-кет илова қилинади;

- банк кўчирмаларини бундай тартибда текшириш банк ҳужжатларини амалга оширилган муомалаларнинг моҳиятига кўра текшириш билан бирга амалга оширилиши керак. Бунда аудитор қуйидагиларни аниқлаши лозим:
- банкдан олинган лимитланган ва лимитланмаган чек дафтарчаларининг ҳисобда тўғри акс эттирилганлиги ва қонуний фойдаланилаётганлиги (уларнинг қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар сифатида ҳисобга олиниши), улар ҳисобдор шахсларга тилхат бўйича берилаётганлиги;

Аудитор корхонани текширувдан ўтказишда “Пул оқимлари тўғрисида”ги ҳисоботни алоҳида текширувдан ўтказиши лозим. Чунки корхонадаги пул оқимларини қай даражада юритилаётганлаги ушбу ҳисоботда кўрсатиб ўтилади.

3-жадвал

“Зирабулоқ” пахта тозалаш АЖнинг пул оқимлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Пул маблағлари кирими		Пул маблағлари чиқими	
	сумма минг сум	жамига нисбатан салмоғи %	сумма минг сум	жамига нисбатан салмоғи %
1	2	3	4	5
1. Пул ва унга тенглаштирилган маблағларнинг ҳисобот йил бошига қолдиғи	569258	1,48	0	0,00
2. Хўжалик фаолиятида пул маблағларининг кирими (+), чиқими (-)	38 480 214	99,99	33467303	88,66
3. Тўланган солиқлар	0		2521828	6,68
4. Инвестиция фаолиятидаги соф пул оқимларининг кирими ёки чиқими	0		0	
5. Молиявий фаолиятдаги соф кирим ёки чиқим	2680	0,01	1757966	4,66
Жами пул маблағларининг ҳаракати:	38482894	100,00	37747097	100,00
Соф кўпайиш ёки камайиши	1305055,00	31,39		

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида биз таҳлил қилаётган “Зирабулоқ” пахта тозалаш АЖ пул мублағлари ҳаракатига баҳо беришимиз мумкин бўлади. Маълумотлардан кўринадиган пул маблағларининг ҳисобот йили бошига қолдиғи 569258, жорий давр корхонада жами пул маблағларининг кирими 38480214 минг сумни ташкил этиб, шундан 99.99% хўжалик фаолиятидаги пул маблағларининг кирими тўғри келмоқда 0.01% пул маблағларининг кирими молиявий фаолиятдаги соф пул оқимларининг крими тўғри келган. Корхонанинг жами пул маблағлари чиқими эса 377470976 минг сумни ташкил қилиб, шундан 33467303 минг сум ёки 88,66% хўжалик фаолиятидан бўлган пул маблағларининг чиқими 1757966 минг сум ёки 4,66% молиявий фаолиятдаги соф пул оқими тўғри келмоқда. Корхонада соф кўпайиш 1305055,00 минг сўм, 3,39% ташкил этган. Бундай натижаларни умуман олганда корхона учун ижобий баҳоласак ҳам бўлади. Шунини хулоса қилиб айтиш мумкинки, корхонада пул маблағларининг ҳаркати фақатгина асосий хўжалик фаолиятида бўлган.

Одатда корхоналар ўз фаолияти давомида асосий фаолият билан бир қаторда инвестиция фаолияти билан ҳамда молиявий фаолият билан шуғулланадилар.

Ушбу ҳолатни биз қуйидаги жадвал маълумотлари асосида таҳлил қилиб чиқамиз.

**“Зирабулоқ” пахта тозалаш АЖнинг инвестиция, молиявий ва
солиққа тортиш фаолиятларидаги пул маблағлари ҳаракатининг
таҳлили**

Кўрсаткичлар	Сатр рақами	Пул маблағлари кирими		Пул маблағлари чиқими	
		Сумма, минг сўм	Жамига нисба- тан салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Жамига нисбатан салмоғи, %
1	2	3	4	5	6
1. Хўжалик (операцион) фаолиятдан пул мабалағларининг соф ҳолати	050	38480214	99,99	33467303	89,91
2. Асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш	060-070	-	-	-	-
3. Олинган ва тўланган фоизлар	110	-	-	872086	2,34
4. Олинган ва тўланган дивидендлар	120	-	-	358961	0,96
5. Инвестиция ва молиявий фаолиятнинг бошқа жараёнларидаги пул маблағларининг ҳаракати	080-090, 130-170	2680	0,01	-	-
6. Жами тўланган солиқлар	190-200	-	-	2521828	6,77
Жами	-	38482894	100,0	37220178	100,0
Инвестиция, молиявий ва солиқланишдан сўнг соф пул оқимининг натижаси	-	1262716	3.39	-	-

Ушбу жадвал маълумотлари асосида «Зирабулоқ» пахта тозалаш АЖнинг инвестиция, молиявий ва солиққа тортиш фаолиятларидан кўрилган пул маблағларининг ҳаракатига баҳо беришимиз мумкин бўлади. Бугунги кундаги бизнинг республикамиздаги пул маблағларининг ҳаракатидаги ўзига хос жиҳатлари шундаки, бизнинг республикамизда пул маблағларининг асосий қисми, яъни, одатда 90-95%и хўжалик (операцион) жараёнларга тўғри келади. Шу жиҳатдан ҳам мазкур жадвал маълумотларидан ҳам кўриниб

турибдики, корхонанинг мазкур фаолият турлари бўйича пул маблағлари жами кирими 38482894 минг сўмни ташкил қилган. Мазкур фаолиятлардан қўрилган жами пул маблағлари чиқими эса 37220178 минг сўмни ташкил этиб, уларнинг кўпроғи асосан, хўжалик фаолиятининг пул маблағларининг ҳиссасига тўғри келмоқда. Корхонада инвестиция, молиявий ва солиққа тортиш фаолиятларидан соф пул оқими 1305055 минг сўмни ташкил қилган. Яъни, Ушбу фаолият натижаларидан сўнг корхонадаги соф пул маблағларининг кирими бирмунча кўпайганлигини кузатишимиз мумкин. Бундан кўринадики, корхона ушбу фаолиятлар натижасида асосан пул маблағларининг киримига эришган. Бундай натижаларни бир мунча ижобий ҳол деб баҳолашимиз мумкин.

“Зирабулоқ” пахта тозалаш АЖни банкда ҳисоб-китоб счёти, валюта счётидан ташқари махсус счётига ҳам эгадир.

Бу счётда мамлакатимиздаги ва чет эллардаги аккредитивларда, чек дафтарчаларида, бошқа тўлов ҳужжатларида (векселлардан ташқари), жорий, алоҳида ва бошқа махсус счётларда сақланаётган миллий ва хорижий валюталардаги пул маблағларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Банкда махсус счётларни очиш корхоналар ўртасида айрим ҳисоб-китобларни юритиш хусусиятларидан ҳам келиб чиқади. Аудиторлик текшируви ҳар бир махсус счёт бўйича ўтказилади.

Банкдаги махсус счётлар бўйича муомалаларни ҳисобга олиш учун 5510-«Аккредитивлар», 5520-«Чек дафтарчалари», 5530-«Бошқа махсус счётлар» тайинланган бўлиб, уларда пул маблағлари ҳаракати ҳам сўмда, ҳам валютада акс эттирилади.

Корхонадаги Махсус счётлар бўйича муомалаларни аудиторлик текширувидан ўтказиш юқорида баён қилинган умумий услубиёт бўйича амалга оширилади. 5510 - «Аккредитивлар» счётига доир муомалаларни текширишда қўшимча равишда ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклини қўллаш қоидаларига риоя қилинишини текшириш зарур:

- ҳисоб-китобларнинг мазкур шакли шартномада кўзда тутилганлиги;

- аккредитивларнинг амал қилиш муддатларига риоя қилиниши;
- аккредитивдан нақд пул маблағларининг тўланмаганлиги;
- аккредитивни ёпишни расмийлаштиришнинг тўғрилиги.

Корхонадаги 5530 - «Бошқа махсус счётлар» счёти «махсус карточка счёти» аналитик счёти бўйича муомалаларни текширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- махсус карточка счётини очиш учун шартнома мавжудлиги, корхона корпоратив картасига эга шахслар рўйхати, берилган банк картасининг типлари;
- транс чегара тўловларини амалга ошириш чоғида амалдаги валюта қонунчилигига риоя қилиниши (Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги чет эл валютасидаги ҳисоб-китоблар);
- нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан берилган рухсатнома мавжудлиги;
- корпоратив карталар эгаларининг ҳисоботлари мавжудлиги;
- иш ҳақи ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлаш учун корпоратив карталар ишлатилмаганлиги;

IV- боб. Экологик қисм

4.1 Пахта тозалаш корхоналарида экологик хавфсизликни олдини олиш чора-тадбирлари

Ҳар бир давлатнинг ички ва ташқи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фаолияти натижасида юзага келаётган инсонларнинг ижтимоий муҳити «макроижтимоий муҳит» асосида амалга оширишида экологик муносабатлар муҳим ўрин эгаллайди. Аҳолининг экологик онги табиат муҳофазасини мунтазам амалга оширишда фан-техника тараққиётига катта таъсир ўтказиб, жамиятнинг табиат билан ўзаро муносабатини анча фаоллаштирмоқда.

Ҳозирги даврда табиатни шунчаки муҳофазалаш эмас, балки инсон, табиат ва улар ўртасидаги мувофиқликни янада такомиллаштириш талаб этилади.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини аниқлашда ёрдам берадиган омиллардан бири бу атроф муҳит ва табиат муҳофазаси муаммосидир. Ҳозирги ҳолат бир мунча ноаниқ, чунки табиатни табиий офат ва ўзгаришлардан эмас, балки инсон ва унинг фаолиятидан асраш лозим.

Миллий хавфсизликнинг потенциал хавф-хатарини кўриб чиқиш жараёнида, асосий эътиборни экологик хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларига қаратиш зарур. Тан олиш керакки, йиллар давомида маъмурий буйруқбозлик тизими шароитида бу муаммоларни ҳал этиш билан жиддий шуғулланишмаган. Аслида бу муаммолар алоҳида илм аҳлининг изланишлари асоси бўлди, ўз ватанининг келажаги учун қайғураётган, бефарқ қарай олмаётган инсонларнинг “қалб хайқириғи” эди.

Экологик хавфсизлик анча олдин миллий ва ҳудудий муаммолар чегарасидан чиқиб, одамзоднинг глобал муаммосига айланган. Табиат ва инсон бир-бири билан белгиланган қонунлар асосида уйғунликда фаолият юритади. Ушбу қонунларнинг бўзилиши тўхтатиб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳиссаси каттадир.

Экологик ҳавфсизлик долзарблиги ва инсоният учун муҳимлиги жиҳатидан муҳим муаммолар қаторида туради.

Муаммонинг конструктив ечими кўп жиҳатдан ҳозирги ва келажак авлодларнинг ҳаёт сифатини ҳамда шароитини белгилаб беради, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш жабҳаларида экологик безарар техник ривожланишни таъминлайди. Маълумки, табиат аҳволининг ёмонлашуви бирданига рўй бермайди, бу жараён узок йиллар давомида кузатилади, бошқача айтганда экологик ҳолат секин-асталик билан йиғилиб борилади.

Ернинг маиший ва саноат чиқиндилари билан интенсив ифлосланиши реал ҳавф туғдиради. Ҳар хил турдаги кимёвий воситалар, зарарли моддалар ҳамда минерал ўғитларнинг қўлланилиши, уларни сақлаш, ташиш, ҳамда ҳисобдан чиқариш қоидаларининг қўпол бўзилиши ернинг ифлосланишига олиб келмоқда, ундан янада самаралироқ фойдаланишни чеклаб қўймоқда.

Энг долзарб экологик муаммо, миллий фалокат-бу Орол денгизининг қуришидир. Орол муаммоси узок ўтмишга бориб тақалади. Лекин ҳавф солувчи даражаси айниқса сўнгги ўн йилликда бўлди. Бутун Марказий Осиё ҳудудида сув тизимининг интенсив қурилиши Оролнинг қуришига сабаб бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммосига ҳам катта эътибор қаратмоқда. Шундай қилиб, 1988 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон ҳукуматининг махсус қарори билан Атроф муҳитни ҳимоя қилиш ва унинг аҳволини назорат қилиш қўмитаси тўзилди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йиллари мобайнида ушбу қўмита мутахассислари томонидан 35 дан зиёд Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. 2013 йилнинг 27-декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ушбу қонуннинг Миллий экологик сиёсат ва стратегиясини мукаммаллаштириш қисми асосида 2013-2017 йилларда атроф муҳитни,

табиатни муҳофаза қилиш дастури ишлаб чиқилди. Қисман бу дастурнинг йўналишларидан бири бу бир бино ичида экологик тоза пахта тозалаш заводини ташкил этиш муаммоси ҳисобланади. Пахта хом ашёсини қуритишдан то толани пресслашгача бўлган жараёни ускуналарининг бундай шаклда жойлаштирилиши электроэнергиянинг тежалиши, транспорт ҳаво миқдорининг камайиши, ноодатий ҳаво тозалаш усулларида фойдаланиш зарурати камайиши корхона учун маҳсулот таннархининг пасайишига, бу эса ўз навбатида фойданинг ошишига олиб келади. Ва энг асосийси, бу бугунги кунда бутун дунё бўйича қабул қилинган технологик жараённинг замонавий тамойилларига жавоб беради. Ушбу тамойилларга асосан, иқтисодий самарадорликка эришиш учун ишлаб чиқариш лойиҳасини тўзиш жараёнида асосий кўрсаткич сифатида экологик факторга бўйсунтириш лозим.

Бугунги кунда кўпгина пахта тозалаш корхоналарида қуритиш-тозалаш ва линтерлаш бўлимлари заводнинг асосий биносига яқинлашганда ушбу тенденция кузатилмоқда.

Шунинг асосида ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини бир бино ичида бирлаштириш зарурияти туғилди, яъни ХХІ асрнинг экологик тоза пахта тозалаш корхонаси лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишни яқинлаштириш.

Пахта саноатида иқтисодий экологик қувват тежайдиган технологиялар йўналиши бўйича қатор олимлар изланишлар олиб борганлар.

Пахта тозалаш корхоналарининг, қуритиш-тозалаш ҳамда жинлаш-линтерлаш машиналари, жойлаштирилишнинг асосий тамойили пахта хом ашёсини ташиш фақатгина механик транспортда амалга оширилишини талаб этади.

Хулоса

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятини янада кенгайтириш талаб қилинади. Мазкур фаолиятнинг самарадорлиги бевосита ўзаро ҳисоб-китобларни самарадорлиги билан боғлиқ. Бизга маълумки, ташқи иқтисодий фаолият юзасидан шаклланадиган ўзаро мажбуриятлар билан ҳисоб-китоблар асосан эркин айирбошланадиган валюталарда амалга оширилади.

Бозорнинг асосий субъектлари бўлган корхона ва ташкилотлар ягона битта мақсад асосида ишламоқдалар, у ҳам бўлса фойда олиш ва фаолият самарадорлигини ошириш. Бу жараёнда, албатта пул маблағларидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Шунингдек, ҳозирги кунда Республикамиз ҳукумати чет эл инвесторларини жалб этишда кўп ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи, қўшма тадбиркорлик ва хорижий капитални жалб қилиш ва уларга имтиёзлар беришга қаратилган Президент Фармонлари ва бир қатор қонунлар қабул қилинган.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналар фаолиятининг муваффақияти ўз ихтиёрида булган барча ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш, зиммасидаги пул маблағларини тўғри юритиш ва устидан доимий назоратни амапга ошириш оркали эришишдир. Бунга эришиш учун эса пахта тозалаш корхоналарида банкдаги ҳисоблари муомалаларини тўғри ҳисобга олиш ва унинг аудитини доимий равишда тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Корхонада бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этилиши, пул маблағларини самарадорлигини ошириш ва самарали фойдаланишни таъминловчи бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради.

Корхоналар мавжуд пул маблағларини юқорида кўрсатилган мақсадларга сарфлашда иқтисодий жиҳатдан манфаатли ва тежамли бўлган

ҳамда корхонага ўз маблағларидан рационал фойдаланиш имконини беришни биринчи навбатда ҳисобга олиш зарур.

Назарий манбаларни ўрганиш, умумлаштириш, пул муомаласини ҳисоби ва аудитининг амалиётдаги аҳолини тадқиқ этиш ҳисоб-китоб ва махсус счётлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришга доир қуйидаги хулосаларни чиқариш ҳамда таклифларни киритиш имконини берди.

- Корхонада пул маблағлари муомаласи йил давомида бир текис давом этмайди. Бу эса уларнинг ҳисоби ва аудитига таъсир этади. Шу сабабли пул маблағлари ҳисоби ва аудитини ташкил этишнинг бошқа секторларга нисбатан фарқли жихатлари тавсифланади. Ушбу муаммони ҳал этишнинг ташкилий, ҳуқуқий, амалий асослари белгиланди.
- Ўзбекистон Республикаси аудит миллий андозаси №70-“Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот бўйича аудитор хулосаси” андозасига қўшимча равишда халқаро амалиётда қўлланилаётгани каби тушунтириш қисми мавжуд аудиторлик хулосасини амалиётга киритиш менимча мақсадга мувоқиқ бўларди.

Битирув малакавий ишидан қуйидаги хулосалар олинди:

“Зирабулоқ” пахта тозалаш АЖнинг банкдаги пул маблағлари ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот таҳлили қилинди. Таҳлили натижасидан келиб чиқиб шуни хулоса қиладиган бўлсак, хўжалик фаолиятидаги пул маблағларини соф кирими 38480214

Соф пул оқими натижаси 1262716 ташкил этган. Бундай натижаларни бир мунча ижобий ҳол деб баҳолашимиз мумкин.

Пахта тозалаш корхоналарини банкдаги пул маблағлари ҳисоби ва аудитини назорат қилиш юзасидан ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар базаси яратилган бўлиб, у йилдан йилга такомиллаштирилиб борилмоқда. Шундай бўлсада, амалиёт талабидан ва чет эл тажрибасидан келиб чиқиб банкдаги пул маблағлари ҳисоби ва аудитини таъминловчи қонунлар базасини янада такомиллаштириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон. 2010.- 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни (янги таҳрирда). –Т.: 2016 йил 13-апрель.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги Қонуни (янги таҳрирда). –Т.: 2000 йил 26 май

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг фармонлари, қарорлари ва асарлари

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015-йил 24-апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2015-йилнинг асосий якунлари ва 2016-йилда Ўзбекистонни ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” маърузаси. “Халқ сўзи” 2016 йил 16 январ.
6. Каримов И.А. “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида ”. -Т.: “Ўзбекистон” , 2008-368 б.
7. Каримов И.А. “Юксак маънавият - енгилмас куч”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008-176 б.
8. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. -Т.: “Ўзбекистон”, 2009-56 б.
9. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 440 б.

10. Каримов И.А. “Она юритимиз бахту иқболи ва буюк келажаги юлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир”. “Ўзбекистон” НМИУ 2015 й.

**III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари
ва бошқа расмий ҳужжатлари.**

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида”ги Низом.-Т.:1999 й 5 февраль.
12. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйичайўриқнома” номли 21-сонли стандарти. Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2007 й

IV. Дарсликлар, ўқув қўлланмалар, мақолалар тўплами

13. Пардаев А.Х., Пардаева З.А. Бошқарув ҳисоби. /Дарслик. - Т.: “Тафаккур” нашриёти, 2014-396 б.
14. Хасанов Б.А., Хашимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Иқтисод-молия”, 2005 й., 320 б.
15. Сотиволдиев А. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. - Т.: ЎЗР Б ва АМА , 2005. -492 б.
16. Каримов А.А. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.-Т.:Шарқ, 2004.-592 б.
17. Очилов И.К. ва бошқ. Молиявий ҳисоб. – Т.: ТМИ (ўқув қўлланма) 2003.-256 б.
18. Хашимов А.А., Мажидов А.А. Пахта тозалаш корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма Т.: Шарқ, 2013 й., 231 б.
19. Аудит, Дарслик. И-ИИ жилд. М.М.Туложджаева, Ш.И.Илхомов, К.Б.Ахмаджонов ва бошқалар.Ўз.Р. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт университети.-Тошкент: НОРМА, 2008 й.
20. Аҳмаджонов К.,Якубов И. Аудит асослари. Дарслик.Тошкент-“Иқтисод-Молия”.2010й.

21. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-612б.
22. Шоалимов А.Х. Тожибоева Ш.А. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010.
23. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.: Меҳнат, 2004.-66-73 б.
24. Ваҳобов А.В, Иброхимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. /Дарслик – Т.: Шарқ, 2005.
25. Исаев Р.А. Хасанов Б.А. Пахта тозалаш корхоналари хўжалик фаолияти таҳлили.-Т.: Ўқув қўлланма. 2008.-259 б.

V. Интернет сайтлари

1. www.ziynet.uz
2. www.gov.uz
3. www.titli.uz
4. www.stat.uz
5. www.lex.uz